Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 17 май
ПАЙШАНБА
№ 111 (4.905).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

МАЛИКА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Ўтган йили 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариб, Фарғона вилоятининг Киров ноҳиясида энг юқори натижани қўлга киритган «Москва» колхозининг Алиназар Нишонов бошлиқ бригадаси коллективи жорий йилда пахта билан бир қаторда 25 гектар майдонга дон учун маккажўхори экди.

Гектарига 25 тоннадан маҳаллий ўғит солиниб, агротехника қондаларига мувофиқ қадалган маккажўхори уруғ барча майдонларда текис униб чиқиб, яшил қаторлар тизмаси кўзга ташланиши ҳамон қатор ораларига ишлов бериш бошланди.

Байрамгача барча майдонлар бир сидра культивациядан чиқарилди, гектарига 150 килограммдан азотли ва фосфорли ўғит билан озиқлантирилди. Бу ишда механизатор Абдураҳим Деҳқонов фидокорона меҳнат намунасини кўрсатди.

— Маккажўхорининг гектаридан 60 центнердан дон, 400 центнердан кўкпоя етиштириш бизнинг аҳду қароримиз, — дейди бригада етакчиси А. Нишонов. — Ҳозир ниҳолларни яганалаш ҳамда чопиқдан чиқараяпмиз. Ниҳоллар дуркун ривожланаётир.

Шунингдек, бу ерда текис ундириб олинган ғўза қатор ораларига ишлов бериш ҳам қизғин олиб борилмоқда.

А. УЗОҚОВ.

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

«Гулистон» совхози меҳнатчилари Ўйчи ноҳиясида ҳар йили биринчилар қаторида йиллик пахта тайёрлаш режаларини бажариб келишади. Шубҳасиз, бунда хўжалик деҳқонларига қудратли техника катта мадад бераётир. Чигит экишдан тортиб, уни йиғиштириб олгунга қадар барча юмушлар ана шу мўъжизакор техникалар зиммасида.

Бу йил совхоз механизаторлари мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланишиб чигит экиш муҳим мавсумини қисқа иш кунида тугалладилар. 1120 гектар майдонга белгиланган муддатларда барака уруғи қадалди. Бу иш айниқса хўжаликнинг Зокиржон Воҳидов бошлиқ бригадасида намунали ўтказилди. Бригада азаматлари бу йил 60 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Уларнинг нияти — ҳосилдорликни 26,8 центнерга етказиш.

Айни кунларда экинларга ишлов бериш сифатли амалга оширилмоқда. Бригаданинг оилавий звено усулида меҳнат қилишаётган Мавлуда Мўминова, Раҳима Қорабоева, Матлуба Қорабоева сингари аъзолари экинларга биринчи ишлов беришни ниҳоясига етказдилар.

Шунингдек, хўжаликнинг Илҳомжон Турсунов, Мамасоли Жўраев бошлиқ бригаталарида ҳам экинларга биринчи ишлов бериш тадбиркорлик билан ўтказилмоқда. Бу ерда ҳар куни 25—30 гектар майдондаги ғўза қатор ораларига ишлов беришга эришилмоқда. Гектарига 120 килограмм азот, 50 килограмм калий, 80 килограмм фосфорли ўғит солинмоқда.

— Бизларнинг асл мақсадимиз — тўла гектарлар яратиб, мавжуд кўчатларни тўла сақлаб қолиш, — дейди хўжалик бош агрономи Мамасодиқ Имомов. — Экинларга биринчи ишлов бериш тугалланиши билан ноқ яганалашни бошлаб юборамиз.

Гулистонлик миришкорлар партия XXVIII съезди нишонланадиган йилда давлатга 3000 тонна сифатли ҳосил етказиб беришни мўлжаллашган. Ҳозирги кундаги олиб бораётган ишлар зиммадаги мажбуриятни бажаришга замин яратмоқда.

М. ҚОДИРОВ.

СУРАТДА: хўжалик бош агрономи Мамасодиқ Имомов (ўнгда) механизатор Тоҳиржон Ҳамидов билан қатор ораларига берилаётган ишлов сифатини кўздан кечиришаётир.

А. ЮСУФБОЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримовнинг республикадаги ёш иқтисодчи олимлар билан учрашуви республиканинг бўлажак иқтисодий мустақиллиги масалаларига, бозор муносабатларига ўтишга тайёргарлик кўриш муаммоларига бағишланди.

Учрашувда келгусида хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтишга қизғин тайёргарлик бораётганлиги айтиб ўтилди. Аҳолининг энг кам таъминланган тоифалари — пенсионерлар, кўп болали оилалар ва студентларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш зарурлиги ана шу муаммонинг ўзагидир.

Республика Министрлар Советининг, Давлат план комитетининг мутахассислари бозор муносабатларини жорий этиш шароитида халқ хўжалигининг самарали ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар лойиҳасини тақдим этдилар.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ўз нутқида республика иқтисодиётини такомиллаштиришга барча кучларни сафарбар этиш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Бу ишга расмий идоралардан ташқари, олимлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари, халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг мутахассислари фаол жалб этилиши лозим. Ёш иқтисодчиларнинг ташаббускорлиги ва фидойилигидан фойдаланиш жуда муҳимдир.

Ишлаб чиқаришни кучайтириш, ички резервларни қидириб топиш, республика бюджетидаги камомадни тугатиш вазифалари, ташқи бозорга чиқиш имкониятлари ва бошқа вазифалар энг долзарб муаммолар қаторида тилга олинди.

Иқтисодиётни такомиллаштириш учун хўжалик юритишнинг ижара каби илғор усулларини, қўшма корхоналар тузишни кенгайтириш муҳимдир. Халқ истеъмоли моллари ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш устун йўналиш бўлиши лозимлиги уқтирилди.

Мулкчилик, ер ва ердан фойдаланиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва хўжалик юритиш тўғрисидаги қонунларни, дейилди учрашувда, республика шароитига мослаштириб кўриб чиқиш зарур. Бу қонунларнинг ҳаммаси республика халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилиши керак.

Мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга кўмаклашадиган тадбирлар орасида акционерлик жамиятларини, эркин омилкорлик зоналарини — масалан, туризм яхши ривожланаётган областларда тузиш айтиб ўтилди. Миллий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш, бунда уларни ҳам мамлакатдаги, ҳам чет эллардаги ўқув юртларига ва корхоналарига юборишдан фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Республика тараққиётининг истиқболларини фақат ССР Иттифоқи федерациясида, мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплекси доирасида алоқаларни янада кучайтириш орқалигина таъминлаш мумкин деб таъкидланди учрашувда.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитети ҳузурида бозор иқтисодиёти, регионал муаммолар идораларо жамоатчилик институтини тузиш таклиф қилинди. Бундан мақсад — халқ хўжалигини бошқаришнинг демократик негизларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон ССРни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарали ривожлантиришга доир таклифларни ишлаб чиқишга жамоатчиликнинг кенг доираларини ва мутахассисларни жалб этишдир.

Республика Президенти нутқининг ниҳоясида ёш иқтисодчи олимларнинг кўп саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси Б. С. Ҳамидов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФЛАРИ

СССР президенти М. С. Горбачев Канада ҳукуматининг таклифига биноан шу йил 29—30 май кунлари давлат ташрифи билан Канадага боради.

Илгари хабар қилинганидек, М. С. Горбачев Америка Қўшма Штатларига ташриф буюради. Шу йил 30 майдан 4 июнгача давом этадиган давлат ташрифи программасида АҚШ Президенти Ж. Буш билан Вашингтонда музокара олиб бориш, шунингдек мамлакат бўйлаб қисқача сафар қилиш кўзда тутилган.

ЖЎНАБ КЕТИШДИ

СССР президенти, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг таклифига мувофиқ мамлакатимизга амалий ташриф билан келган МХР Буюк халқ хуралининг президиумининг раиси П. Очирбат билан МХРП Марказий Комитетининг раиси Г. Очирбат 15 май куни Москвадан ватанига жўнаб кетишди.

МХР ва СССР давлат байроқлари ўрнатилган «Шереметьево» аэропортида монголиялик меҳмонларни СССР президентлик кенгашининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, бошқа расмий кишилар кузатиб қўйдилар.

(ТАСС).

ОШКОРАЛИК, ТАНҚИД РУҲИДА

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Ишчанлик, ошкоралик муҳитида ўтган XXIV Хоразм область партия конференциясида делегатлар область партия комитетининг биринчи секретари Р. М. Худойберганованинг «Қайта қуришнинг бориши ва уни жадаллаштириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари ҳамда жамият сиёсий ҳаётини демократиялаш тўғрисида»ги, шунингдек, область партия ташкилоти тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини тингладилар. Маърузалар, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури ва КПСС янги Устави лойиҳалари қизиқиш билан муҳокама қилинди. Муҳим съезд олди ҳужжатларига ўнлаб аниқ таклифлар айтилди.

Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар шу куннинг кўплаб долзарб масалалари хусусида фикр юритдилар. Масалан, сиёсий системада партиянинг ўрни ва роли, унинг Советлар, жамоат тузилмалари, давлат ҳамда хўжалик органлари билан ўзаро муносабатлари, бошланғич ташкилотлар фаолиятини тубдан қайта қуриш, миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбия, маъмурий-буйруқбозлик усули қолдиқларига қарши қатъий ва муросасиз кураш тўғрисида мулоҳазалар билдирилди. Албатта кўпчилик областни, унинг районларини, саноат корхоналарини, колхозлар ва совхозларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, қишлоқда ишчи ўринларини кўпайтириш, шаҳар ва қишлоқларда туб иқтисодий ислоҳот ўтказиш муаммоларини биринчи ўринга қўйди. Кадрлар сиёсати тўғрисидаги масала жиддий қилиб қўйилди.

Область раҳбарияти, бутун область партия ташкилоти ҳақиқий аҳвол ўртага қўяётган мураккаб масалаларни ҳал этишда турғунлик даври қолипларидан бутунлай воз кечиб, ўз сиёсатини ўтказмоқда. Қийинчиликларга қарамай Хоразмда қайта қуриш ва янгиланиш ҳозирдаёқ ижобий самара бергани кўз юмиб бўлмайди.

— Кейинги йилларда бизнинг ишимизда кўпгина янги, қимматли ва истиқболли жиҳатлар пайдо бўлди, — деди маърузачи.

Хўш, у нималарни назарда тутаётганди? Жумладан, область ҳаётига тегишли ҳар қандай масала муҳокамаси вақтида коллективчилик, фикр ва қарашларни эркин чоғиштириш оддий ҳолга айланди. Ҳамма қабул қилинажак қарорлар барча коммунистларга, жамоатчиликка ошкор этиладди. Партия аппарати аксарият ҳолларда ишни ташкил қилишда кўпроқ хайриҳоҳ бўлаяпти. Область партия комитети пленумларини тайёрлаш ва ўтказишда ёндашувлар ўзгарди. «Қайта қуриш шароитларида Хива район партия ташкилоти ишининг бир қанча самарали шакллари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилган V пленумда шундай муносабатда бўлинганини конференцияда таъкидланди. У илгариги пленумларга нисбатан бошқача ўтди ва ижобий тажрибани ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида яхши натижага эришилди. Унинг яна бир жиҳати шундаки, йиғиндан аввал обком аъзолари жойларда партия ташкилотлари раҳбарликнинг сиёсий усулларини қандай эгаллаганликлари билан танишиш мақсадида район саноат корхоналарининг, колхоз ва совхозларининг, ташкилот ва муассасаларининг бошланғич ташкилотларида бўлдилар.

Область миқёсида илк бор ўтказилаётган «Обком кунлари» ҳам янгиликлардан биридир. Бундан кўзланган мақсад область партия комитети фаолиятида ошкораликни тўлатўкис таъминлаш, унинг партия қуйи бўғинлари ва меҳнаткашлар оммаси билан амалий алоқаларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашдан иборат. Обком аппаратини қайтадан тузиш давом этмоқда. Бир қанча бўлимлар тугатилди, ходимлар сони қисқарди. Қолган бешта: ташкилий-партиявий ва ҳуқуқий ишлар, мафкура, ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича, аграр, умумий бўлимларнинг ишлари эса бирмунча кўпайиб, аниқлаштириб олинди.

Бошланғич партия ташкилотларига эътибор кучайтирилди. Областда уларнинг сони 1200 дан ошади. Бошланғичлар шу пайтга қадар қандай эди? Амалда юқоридан бўладиган маъмурий-буйруқбозликни бажарувчилар эди, холос. Эндиликда уларнинг кўпчилиги ҳақида бундай деб бўлмайди. Урганч ремонт-экскаватор заводи, Хива гиламчилик бирлашмаси, бирлашган автоотряд, область марказидаги темирйўл станцияси депоси, Гурлан районидаги «Коммунизм», Қўшкўпирдаги «Тошкент», Урганчдаги Охунбобоев, Хонқадаги «Октябрь 40 йиллиги», Хивадаги Фрунзе номли, Боғотдаги Наримонов номли, Янгиариқдаги Киров номли, Янгибозордаги Ҳамза номли, Ҳазораспдаги Карл Маркс номли, Шовотдаги «Коммунизм» колхозлари партия ташкилотлари илгариги тутган йўлларини тубдан ўзгартириб, ишларини қайта қуриб, ўз фаолиятларини аниқ мазмун билан бойитишаётгани кўзга ташланмоқда. Уларда ўрганишга арзигулик нимадир бор. Шу боисдан обком демократия ва ошкоралик шароитида қуйи бўғинларда рўй бераётган жараёнларни синчиклаб кузатиб бормоқда.

Бир қанча район партия комитетларида мустақилликка интилиш кучайганлиги муносабати билан пайдо бўлган имкониятлардан оқилона фойдаланилмоқда. Чунончи, кейинги пайтларда Янгиариқ район партия комитети иш фаолиятида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бу ерда бир йилда қабул қилинажак жами қарорлар сони уч баравар камайди. Натижада райком ходимларининг бошланғич ташкилотлар, коммунистлар ва дала ҳамда фермалар меҳнаткашлари билан бевосита, жонли мулоқотлари анча кучайди. Одамлар сиёсий курашчи ва ташкилотчилар — партия ходимлари ортидан эргашадиган, уларнинг маслаҳатларини тинглайдиган бўлдилар. Амалий алоқалар партиявий-сиёсий ишларнинг турли йўналишлари бўйича методик ва тавсиянома тусидаги материалларни йиғишда ва тайёрлашда ёрдам бермоқда. Бошқача айтганда, бу ерда меҳнат жамоаларида оддий ташкилотчилик ишлари биринчи ўринга қўйилган.

Барибир конференцияда танқидий руҳ ҳукмронлик қилди. Аввалгиларидан фарқли ўлароқ бу гал танқид аниқ адресли бўлди. Ишида сезиларли натижа бўлмаган область, район ва шаҳарлар раҳбарларининг номлари рўй-рост айтилди. Обком, унинг бюроси ва секретарлари бир қанча кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этишда қатъият кўрсатмаяптилар. Р. М. Худойберганова ва умуман секретариатнинг хатолари шунда мўжассамлашган. Ташкилий-партиявий ва кадрлар ишига «ҳомийлик» қилган обкомнинг собиқ иккинчи секретари Л. И. Нетяга кескин, аммо адолатли танқид қилинди. У ўз кучига ортиқча баҳо бериб, партия комитетлари фаолиятини, айниқса кадрлар сиёсатини тубдан яхшилашга эриша олмаганлигини далиллар исботлаб турибди. Биз такрорлашдан чарчамаймиз: ҳар қандай меҳнат жамоасини фақат ўз ишини астойдил севувчи мутахассис бошқариши лозим. Ҳолбуки раҳбарик ўринларига «адашиб» ўтириш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Нотиқлар бундан буён кишиларни масъулиятли ишларга чўнтагида партия билети бор-йўқлигига қараб эмас, балки мутахассислигини, ишчанлигини, шахсий фазилатларини ҳисобга олиб кўтариш лозимлигини таъкидладилар.

(Давоми 3-бетда).

МЕҲМОННИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

15 май куни Кремлда СССР Президенти М. С. Горбачев билан МАР президенти Ҳ. Муборакнинг музокаралари бўлиб ўтди. Бу музокаралар асосан яккама-якка, сўнгра делегациялар тартибида ўтказилди.

Биз Миср президентининг ташрифини, деди М. С. Горбачев, иккала мамлакат ва араблар дунёси учунгина эмас, шу билан бирга умумжаҳон жараёнлари муносабати билан ҳам кенг миқёсли воқеа, деб ҳисоблаймиз. Ҳ. Муборак сиймосида буюк халқнинг раҳбарини табриклаймиз. Олий даражада шахсий алоқа ўрнатилиши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мисрда Ҳ. Муборак раҳбарлигида ўтказилган ўзгартишлар ҳақида, СССРдаги қайта қуриш жараёнлари тўғрисида ўзаро ахборот берилди. Суҳбатда Яқин Шарқ катта ўрин олди. Икки томонлама иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик масалалари принцип жиҳатидан муҳокама қилинди. Бу масалаларнинг тафсилотлари шу кунларда президентларнинг учрашуви вужудга келтирган муҳитда тегишли даражаларда муҳокама қилинади, бу учрашув барча соҳаларда самарали муносабатларни ривожлантириш учун катта имконият борлигини кўрсатди.

Учрашувда Э. А. Шеварднадзе, Е. М. Примаков, бошқа расмий кишилар, Миср томонидан — МАР президентига ҳамроҳ бўлиб келган расмий кишилар қатнашдилар.

Шуни куни М. С. Горбачев билан Ҳ. Муборак Совет—Миср баёнотини имзоладилар.

СССР билан МАР ўртасида 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган иқтисодий, савдо-сотиқ ва фан-техника ҳамкорлиги узоқ муддатли дастурини СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. А. Ситарян билан МАР бош министрининг ўринбосари Камол ал-Ганзурий имзоладилар.

СССР Министрлар Советининг раиси Н. И. Рижковнинг Ҳ. Муборак билан учрашуви бўлди. Совет — Миср муносабатларининг асосий масалалари, иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларнинг ҳолати кўриб чиқилди, келгуси даврда шу алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари ижобий баҳоланди.

СССР ҳукуматининг бошлиғи билан МАР президенти СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида «Миср Совет Иттифоқида. 1990» кўргазмасини тантанали очиш маросимида қатнашдилар. Бу ерда Мисрнинг 120 та фирмаси аҳолига мўлжалланган ва Совет Иттифоқига экспорт қилиш учун таклиф этиладиган молларни намойиш қилмоқда.

СССР Президенти ва Р. М. Горбачева номидан Ҳ. Муборак ва С. Муборак шарафига зиёфат берилди.

Меҳмоннинг сафарида ҳамроҳлик қилаётган миср лик расмий кишилар у билан бирга ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан М. С. Горбачев рафиқаси билан, Н. И. Рижков, СССР Олий Советининг раиси А. И. Лукьянов, СССР Президентлик кенгашининг аъзолари, бошқа расмий кишилар бор эди.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфатда М. С. Горбачев ва Ҳ. Муборак нутқ сўзладилар.

Ҳ. Муборак В. И. Ленин Мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйди. Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

(ТАСС).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи президентининг фармони

ЛАТВИЯ ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ «ЛАТВИЯ РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ БАЁНОТИ ҲАҚИДА

Латвия ССР Олий Совети 1990 йил 4 майда «Латвия Республикасининг мустақиллигини тиклаш тўғрисида» баёнот қабул қилди. Унда Латвия сеймининг Латвиянинг СССР таркибига кириши тўғрисидаги 1940 йил 21 июль баёноти қонуний кучга эга эмас, деб эълон қилинади. Айни вақтда Латвия Республикаси 1922 йилги Конституциясининг бир қанча моддалари қайтадан кучга киритилганлиги айтилади.

Ушбу баёнотни Латвия ССР Олий Совети СССР Конституциясининг 70, 71, 73 ва 75-моддаларига, шунингдек «Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги 1990 йил 3 апрель СССР қонунига хилоф равишда қабул қилди. У Совет федерацияси, ССР Иттифоқи бошқа субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларига зиддир. Бу баёнотни қабул этиш пайтида Латвия ССРнинг Конституцияси ҳам бузилди. Унда, жумладан, республиканинг ССР Иттифоқи таркибидан чиқиши тўғрисида референдум ўтказиш кўзда тутилган.

СССР Конституцияси 127-3 моддасининг 1 ва 2-бандлари, 74 ва 173-моддалари асосида **қарор қиламан:**

Латвия ССР Олий Советининг «Латвия Республикасининг мустақиллигини тиклаш тўғрисида»ги 1990 йил 4 май баёноти қабул этилган пайтдан бошлаб ҳуқуқий кучга эга эмас, деб эълон қилинсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 14 май.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи президентининг фармони

ЭСТОНИЯ ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ «ЭСТОНИЯНИНГ ДАВЛАТ МАҚОМИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС, ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ҲАҚИДА

Эстония ССР Олий Совети бир ёқлама тарзда, республика халқи билан маслаҳатлашмай, ССР Иттифоқида вужудга келган иқтисодий, сиёсий, маданий ва ҳуқуқий алоқаларни писанд қилмай, 1990 йил 30 март куни «Эстониянинг давлат мақоми тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарорда ССР Иттифоқининг Эстониядаги давлат ҳокимияти қонуний эмас, деб айтилган. Шу тариқа СССР Конституциясининг 2, 70, 71, 73 ва 75-моддалари, «Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги СССР қонуни бузилган.

СССР Конституцияси 127-3 моддаси 1 ва 2-бандлари, 74 ва 173-моддалари асосида **қарор қиламан:**

1. Эстония ССР Олий Советининг «Эстониянинг давлат мақоми тўғрисида»ги 1990 йил 30 март қарори қабул этилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас, деб эълон қилинсин.

2. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳамда гражданларнинг мазкур қарор асосида амалга оширадиган ҳар қандай ҳаракатлари ғайриқонуний, деб ҳисоблансин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг президенти
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 14 май.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: СЪЕЗДОЛДИ ЎЙЛАРИ

МАКТАБ—БИР ОЛАМ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасининг муҳокамаси алоҳида бир манфаатдорлик билан ўтди. Ўқитувчиларимиз хилма-хил фикрлар баён қилишди. Табийки, дастурнинг ёш авлод тарбияси, халқ таълими даражасини кўтаришга қаратилган қоидалари тезлигида қизғин баҳслар бўлди. Гап айланиб ҳозирги қайта қуриш даврида халқ таълимини ташкил этиш принципларига тақалаверди. Маълумки, дастурда «Ўқитувчининг обрўсини ошириш, ғоялар ва истеъдодлар беллашувини рағбатлантириш, маънавий соҳадаги маъмуриятчиликни ҳамда гуруҳлар манфаатлари устунлигини бартараф этиш» вазифаси илгари сурилди. Муҳокама чоғида: «Ўқитувчининг обрўсини ошириш мумкинми?», «Халқ таълимини ривожлантиришнинг етакчи ғоялари қандай», «Истеъдодли муаллимлар ўз режаларини рўёбга чиқара олияптиларми?» сингари кўпгина саволлар кўндаланг қўйилди. Қисқаси, халқ таълимини қайта қуриш тенденциялари, бу соҳадаги ютуқлар ва муаммолар атрофлича қараб чиқилди.

Шубҳасиз, ишимизда ўзгаришлар оз эмас. Аммо жамиятимиз турмушининг барча жабҳаларида бошланган қайта қуриш, инқилобий янгиланиш талаблари нуқтаи назаридан қараб чиқсак, халқ маорифи ислоҳоти бугун боши берк кўчага кириб қолганлигини кўрамиз. Чунки бу иш зарур моддий-техника асослари тайёрланмасдан бошланди. Энг муҳими — ўқитувчи кадрлар янгича шароитда ишлаш малакасини эгаллаб олишмаганди. Айниқса керакли дарсликлар йўқ эди. Ўқув программалари ислоҳот талаблари асосида қайта ишлаб чиқилмаганди. Буларнинг ҳаммаси бугунги кунга келиб мактаб ислоҳотида кескин ўзгариш юз бермай қолишига сабаб бўлди.

Мактабларимиз, халқ таълими ходимлари олдида муаммолар кўп. «Бугунги кунда, — дейилади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг барча меҳнаткашларга мурожаатномасида, — Ўзбекистонда ҳар саккиз мактабдан биттаси авария ҳолатида эканлиги, мактабларнинг 70 фоизида болалар 2, ҳатто уч сменада ўқишаётганини кўриб виждонимиз ўртанмай, изтироб чекмай бўладими? Парталар, шунингдек мактабга тааллуқли бошқа буюмлар, таълимнинг замонавий техника воситалари ҳанузгача етишмайди. Ўқувчилар замонавий дарсликларсиз ўқиб келишмоқда. Ёшларга тарбия беришда аксарият ўқитувчи ва тарбиячилар эътиборсизликка йўл қўйишмоқда».

Ҳолбуки, узоқ йиллар мобайнида биз мактаб иши умумхалқ иши, деб жар солишдан чарчамадик. Қўша-қўша режалар, неча ўн йилликларга олдиндан «назар ташлаб» не-не тадбирлар белгиламадик. Аммо ҳамма саъй-ҳаракатларимиз сароб бўлиб чиқаверди.

Мактабимиздаги аҳвол ҳам кўнгилдагидек эмас. Тарбиявий ишларни узлуксиз йўлга қўя олмаяпмиз. Дарслар савиясини кўтаришга қодир ўқитувчилар етишмайди. Ўқиш икки сменада олиб борилади. Таълимнинг техника воситалари, янги дарсликлар, бошқа ўқув ашёлари ҳақида фақат орзу қиламиз, холос. Ўқувчилар кийими, пойафзали ҳам сифатсиз, кўримсиз.

Нега буларни таъкидлаётирман? Сабаби — мактаб чинакам зиё маскани, мурғак қалблар дилига ёруғлик, мурувват, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, диёнатни жо этадиган тарбия даргоҳи. Унда ҳамма нарса гўзал, тортимли, нашъали бўлмоғи керак. Ҳар бир киши мактабга яқинлашиб келишиданоқ қалбига ёруғлиқ, енгиллик, дилхушлик кириб бораётганини ҳис қилсин. Мактаб остонасига беғубор, соф, покиза ниятлар билан қадам қўйсин.

Эсимдан ҳеч чиқмайди. Бир йили тажриба ўргангани Оққўрғон районига борганмиз. Ўшанда 26-мактаб дарвозасидан киришимиз билан ўзимизни бамисоли чароғон, гулшан бир манзилгоҳга тушиб қолгандек сездик. Сиртқи кўриниши, гулзорлари, мевали боғлари, ариқда шалдираб оқиб турган сувлари, энг муҳими — хушфеъл, гулгун чеҳрали устозу шогирдлари билан бу мактаб кишини ўзига ром этарди. Соя-салқин йўлакларда бир фурсат айлансам, шинам ўриндиқларда давра ясаб, дўстлар билан фикрлашсам, дейсан. Мактаб йўлакларию синфлар ҳам файзли, тароватли. Ҳамма нарсада нозик таъблик кўзга ташланади.

Ўша йиллари мактабда илмий бўлим мудири эдим. Гапнинг рости — қани энди бир мактаб тасарруфингда бўлса-да, ўз иқтидорингни, имконингни намоён этсанг, болалар чуқур билимли, юксак эстетик дидли, меҳнатсевар кишилар бўлиб етишишлари учун умрингни сарфласанг, деб ўйлардим.

Кейинроқ район халқ таълими бўлимида методист бўлиб ишладим. Ўша кезлари ҳам бутун қалбим билан мактабга, амалий ишга талпинавердим. Охири ниятимга ҳам етдим. Мени мактаб директорлигига тасдиқлашди. Қайта қуриш жараёни эндигина авж олиб бораётган йиллар эди. Лекин муаллимлар жамоаси билан бевосита иш бошлаган дастлабки куналримда тоғ-тоғ муаммолар йиғилиб қолгандигини чуқур ҳис қила бошладим. Фикримча, ўқитувчининг ҳуқуқсизлиги асосий масала эди. Айтайлик, ўз фани бўйича у дарсларни иқтидори, ақл-заковати даъват этганидек эмин-эркин ташкил қила олмасди. Ҳар бир соат машғулот унинг ихтиёридан ташқари режалаштириларди. Биз бўлсак ўқитувчидан ишга ижодий ёндашувни, ташаббускорликни талаб қилардик. Шу тарика у қудратли исканжалар остида қолиб кетарди. Турли қўлланмалар, йўл-йўриқлар ўзини маҳкум этган қолипдан чиқа олмасди. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчи меҳнатини тенглаштиришга, таълим-тарбия ишида ҳам тенгчиликка олиб келарди. Методика бўйича дарс бериб чиққан ўқитувчи ҳам, ўша 45 минутни сеҳрли олам узра унутилмас саёҳатга айлантира олган новатор педагог ҳам бир хил маош оларди. Мен бу ўринда стажи, билим даражаси бир хил ўқитувчилар аҳволини кўзда тутаяпман. Демак, таълим-тарбия системасининг ўзи иқтидорли, билимдон, асл ўқитувчилар оёғига олдиндан уриб қўйилган кишанга айланганди. Бунинг оқибатини бугун кўриб турибмиз: фарзандларимиз билимсиз, ижтимоий лоқайд.

Табийки, бундай аҳвол билан муроса қилиб бўлмасди. Ўқитиш ишини қайта қуришга киришдик. Удум бўлиб қолган қоиплардан қатъият билан воз кечдик. Ўқитувчига кенг эркинликлар бердик. Айрим фанларни ўқитиш соатларини камайтирдик. Шунинг ҳисобига бошқа фанларни ўқитиш чуқурлашди. Ҳозирликда бошланғич синфларда ўқиш 5 кунни ташкил этаётир. Юқори синф ўқувчилари бир кун дарсга эркин қатнашадилар. Мустақил тайёрланиш учун вақт кўпайди. Кўриниб турибдики, таълим ишига янгича муносабат куртаклари пайдо бўла бошлади.

Бироқ халқ маорифини депсинтириб турган бошқа муаммолар ҳам бор. Шулардан бири мактабларда хилма-хил текшир-текширларнинг ғоят кўплиги. Қисқаси, ўқитувчига, маорифчига ишонч кам. Ёшларга таълим-тарбия беришни уларнинг ўзлари олдиндан изчил режалаштира олмайдилар. Ҳолбуки, бусиз инқилобий қайта қуришнинг ижтимоий-сиёсий фаол иштирокчиларини тарбиялаб бўлмайди. Ҳатто боғбон ҳам учтўрт йил кейин узадиган мевасини ўйлаб, ниҳолни олдиндан парваришлаб боради-ку. Еппасига, фанлар бўйича текширишлар, чеки йўқ «сафарбарликлар» таълим-тарбия ишини издан чиқариб юборади, ўқитувчи фаолиятидаги изчиллик бузилади. Менимча, мактабни ҳуда-беҳуда алғов-далғов қилишларга чек қўйиш керак. Маориф ишига тўраларча маъмурий-буйруқбозлик усулида ёндашиб бўлмайди. Муаллимлар жамоасига тўла ишонч, ўзини ўзи бошқариш таълим-тарбия даражасини кўтаришнинг асосларидир. Биз бу борада муайян тажриба ҳам орттирдик. Синфлар ўзинио ўзи бошқараяпти. Юқорида дарс соатларини ҳам ўзимиз тақсимлаётганимизни айтиб ўтдим. Лекин буларнинг ҳаммаси таълим-тарбия савиясини кўтариш масалалари билан изчил шуғулланмасликни, бу ишни ташлаб қўйишни билдирмайди, албатта.

Маориф ишидаги қолоқликнинг яна бир сабаби ўқитувчи кадрлар тайёрлашдаги бир ёқламаликда. Кўп йиллардан буён педагогика институтлари, билим юртларига асосан хотин-қизларни қабул қилиш одатга айланди. Ҳатто алоҳида хотин-қизлар педагогика билим юртлари шохобчалари ҳам ғоят кенгайтирилди. Пировардида таълим жараёнидаги марказий сиймо— ўқитувчилар орасида эркаклар камайиб кетди. Ҳозир бошланғич синфлар деярли тўла аёллар тасарруфида. Бошқа фанлар бўйича ҳам улар кўпчиликни ташкил этишади. Ўзимизнинг мактабимизни олайлик. 60 нафар ўқитувчидан фақат 13 киши — эркаклар. Ёш болалилар, келинлар табиийки дарсни бир маромда олиб бора олмайдилар. Дарс қолдириш, ўқишни вақтида бошламаслик одатдаги ҳол. Қишлоқда боғча етишмайди, ясли хусусида гап ҳам йўқ. Шундай бир аҳволда дарслар орасидаги «туйнук»ларни ямаб-ясқашдан бошқа нарсани ўйлаб тополмайсан, киши. Ўқитувчилар тез-тез алмашиб тургач, ўқитиш самарадорлиги, мунтазамийлик ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Бу гапларим билан фидокор аёлларимизнинг жамиятдаги ўрнига асло соя ташламоқчи эмасман. Гап фақат педагогика ўқув юртларига лаёқатли йигитларни ҳам кўпроқ қабул қилиш ҳақида. Бу ишни ортиқ пайсалга солиб бўлмайди. Акс ҳолда мактабдан, дарсдан ташқари тарбиявий ишлар ҳам оқсайверади.

Ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам мактабга алоҳида бир иштиёқ билан отланса эди! Ҳозирги пайтда эса ҳолат мутлақо бошқача. Ўқувчиларнинг озгина қисми иштиёқ, ҳавас, ширин бир орзу билан мактабга отланади. Ҳар ўн ўқувчининг биттасигина мана шундай ҳавасманд, орзуманд. Лекин шундай бўлса ҳам гоҳигоҳи мактабларимиздан чақнаб чиқиб қоладиган «юлдуз»лар ҳаловатингни йўқотиб, тунларни бедор ўтказиб, бекорга овора бўлмаганингни, куйиб-пишмаганлигингни кўрсатади, албатта. Мактабимиз ўқувчиси Руслан Умаров жумҳуриятимиз телевизион олимпиадасида қатнашди. У саволларга аниқ жавоб берди. Бизнинг ўша аснодаги кайфиятимизни бир тасаввур қилинг-а!

Афсуски, бундай ўқувчилар якка-ёлғиз. Асосий кўпчилик болалар «мажбурий» таълим муддатини ўтиш учун мактабга қатнайдилар. Бу эса ўқишга иштиёқманд болаларнинг кўнглини совитади. Шу боис кўпдан буён ўйлаб юрган бир режамизни рўёбга чиқаришга киришдик. Она тили фани чуқур ўрганиладиган синф ташкил этдик. Бу синфга ўқувчилар имтиҳон асосида қабул қилинди. Ҳамма кўпроқ нарсани билишга, янги дарсларни пухтароқ ўзлаштиришга баравар интилади. Ўқитувчига ҳам тўла эркинлик бериб қўйганмиз. У дарсни ўз плани асосида олиб боради.

Шу йўл билан билимга иштиёқманд болаларни дангаса, ишёқмас болалар таъсиридан ажратиб олдик. Албатта, бу масалани ҳал этиш осон бўлгани йўқ. Эндиликда физика, математика, тарих ва бошқа фанлар бўйича ҳам чуқур билим берувчи синфлар очишни мўлжаллаяпмиз.

Ўқувчиларга стипендия тайинлаш хусусида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Самарқандда шундай тажриба бор. Ангрен резина-техника буюмлари заводининг меҳнат жамоаси ҳам ўқувчиларга стипендия тайинлаяпти. Бундан ташқари ўқувчилар ижтимоий-фойдали меҳнат жараёнида топилган маблағнинг анчагина қисмини ҳам олишади. Мактабимизда ҳар бир кишига 20 тийинлик иссиқ овқат тайёрланади. Пастки синф ўқувчиларига нонушта бепул. «Ленинизм» колхози, қишлоқ Совети мактабимиз учун қўшимча маблағлар топмоқда.

Лекин худди мана шу ўринда яна ўқитувчининг ижтимоий нуфузи масаласига қайтмоқчиман. Биз ўқиган йилларимиз мактабимизда Ҳамидулла Сибғатуллин исмли математика ўқитувчиси бўларди. Ўша кезлари мактабимизда анчагина ҳисобдонлар етишиб чиққанди. У киши болаларда ўз фанига алоҳида бир ҳавас, қизиқиш уйғота оларди. Ҳозир мактабимизда 6 математик дарс олиб боради. Бироқ ярқ этиб кўзга ташланган ибратли бир усул йўқ.

Тўғри, болаларга пухта билим бераётган муаллимларимиз оз эмас. Катта ўқитувчи Абдуҳаким Маматқуловнинг физика дарслари ғоят самарали ўтади. Химия ўқитувчиси Тожи Каримқулова, математика ўқитувчиси Эътибор Пардаева, бошланғич синф ўқитувчиси Ёдгорхон Махсумованинг тажрибаси, болалар билан бевосита мулоқот услублари диққатга сазовор. Афсуски, мана шундай ходимларни рағбатлантириш, обрўсини кўтариш масалалари хийла чигаллигича қолмоқда. Очиғини айтганда, жамиятимиздаги ҳолатларнинг ҳозирги тубанлашуви кўп жиҳатдан ўқитувчига муносабат билан белгиланади. Бизда болалар — ардоқли. Бирор гап бўлса, ўқитувчидан айб қидира бошлашади. Унинг обрўсини тўкиш учун воситалар, омиллар топишади. Натижада зиёли тушунчасидан путур кетади.

Албатта, маориф ишида ҳам тасодифий одамлар йўқ эмас. Халқ таълимига «қолдиқ» принципи асосида ёндашув йиллари педагогика жамоаларида ҳам масъулиятсизлик, лоқайдлик, ўзибўларчилик авж олганди. Айтайлик, ўқитувчининг маоши ишчининг ўртача ойлигидан 50—60 сўм кам. Шу боис ўқитувчи бир амаллаб охирги қўнғироққа етиб олади-да, тезроқ бошқа тирикчилик ишларига киришишни жазм қилиб туради. Ўқитувчилар орасида бўрдоқига мол боқиш, кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятида қатнашишга интилиш кучайиб бораётганлигининг сабаби шунда.

Ёки бошқа яна бир масалани олиб кўрайлик. Бу ҳам халқ таълими ходимининг ўша ҳуқуқсизлигига бориб тақалади. Айтайлик, мактаб учун бир неча тахта ойна керак бўлиб қолди. Лекин уни асло вақтида ололмаймиз. Пул бўлса, лимит тугайди, лимит ажратишса, ойна бўлмайди. Бу бор ҳақиқат, ахир. Мана шундай пайтларда «йўлини» топишга мажбур бўларкансан. Бошқа нарсани ҳужжатлаштириб, ҳалиги нарсани мактабга олиб борасан. Шу тарика диёнатли, тўғри фикрловчи, виждонли кишиларни камолга етказишга даъват этилган мактабнинг ўзида кўпинча ишлар алдам-қалдам, кўзбўямачилик авжида. Шундай қилмасанг, бирор ишни битказолмайсан. Бинобарин, сен «ёмон» директор бўлиб қолаверасан.

Биз Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ҳамда КПССнинг XXVIII съездига яқинлашмоқдамиз. Ўйлаймизки, мана шу партия анжуманларида халқ таълимини кўтариш масалалари теварагида қизғин гап юритилиши шубҳасиз. Мактаб халқ таълими ишини бутун жамоатчилик чинакамига қўлга олиши керак. Уларнинг эҳтиёжига ҳозиржавоблик жамиятимиз ўз истиқболига ғамхўрлигини кўрсатувчи мезонга айланмоғи лозим.

Т. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Бўка районидаги Энгельс номли 12-ўрта мактаб директори.

БАҲСДАН—КЕЛИШУВГА

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИДА

СССР Олий Совети палаталарининг 14 майдаги қўшма мажлисида раислик қилувчи А. И. Лукьянов, шубҳасиз, пенсиялар тўғрисидаги Қонун лойиҳасини кўриб чиқишни бугун тугаллашга аҳду паймонни билдириб, депутатларнинг умумий кайфиятини ифодалади. Миллионлаб совет кишилари бу Қонуннинг қабул қилинишини катта умид билан кутмоқдалар.

Қонун лойиҳасининг 54-, 64-моддалари — кўп йил хизмат қилганлиги учун пенсия тўғрисидаги энг «қийин» моддалар энг охирида муҳокама қилинди. Биринчи бўлиб сўзга чиққан Иттифоқ Совети меҳнат, нарх-наво ва ижтимоий сиёсат масалалари комиссиясининг раиси Н. Н. Грищенко нутқи мунозаранинг ўткир тусда бўлишини белгилаб берди. Асосий қийинчилик шундан иборат эдики, депутатларнинг таклифлари, ҳукуматнинг нуқтаи назари ва ВЦСПСнинг фикридан иборат уч хил фикр юзасидан ҳаммага мақбул бўладиган оқилона келишувни топиш лозим эди. Худди шундай қилиш учун, деди Николай Николаевич, комиссия якшанбада ҳам куни билан ишлади.

Мунозаралар учувчиларга хизмат йилларини ҳисоблаб чиқиш, авиация диспетчерларига, граждан авиацияси инженер-техниклар таркибига пенсия ёшини камайтириш ва пенсия тайинлаш учун иш стажини қисқартириш, бортпроводниклар учун пенсия тайинлашда хизмат муддатининг амалдаги шартларини сақлаб қолиш ҳақида борди. Денгиз ва дарё флоти кемалари, балиқ саноатининг кемаларда сузиб юрувчи ходимларининг пенсияга чиқиш шартлари ҳақида таклифлар ҳам киритилди. Депутат А. М. Оболенский маориф ходимларининг кўп йил хизмат қилганлиги учун пенсияга чиқишининг амалдаги тартибини сақлаб қолишни қизғин ҳимоя қилди.

Бундан ташқари парламент аъзолари Қонун қабул қилиниши муносабати билан олдин тайинланган пенсияларни қайта ҳисоблаб чиқиш муаммосини ҳал этишлари лозим эди. Бу эса ҳукуматдан давлат хазинасини тўлдиришнинг янги манбаларини топишни талаб қилиши биз, ватандошлар учун равшан, бу маблағни қандай ишлаб топиш мумкин? Ҳаммани бошқа масала — пенсиялар тўғрисидаги Қонунни қачондан кучга киритиш кераклиги ҳам қизиқтиради. Депутатларга СССР молия министри В. С. Павловнинг бу хусусдаги мактуби тарқатилган эди. Ҳукумат ҳаммасини беш йил ичида ҳал қилишни таклиф этмоқда. Лекин депутатлар Қонунни 1993 йилда узил-кесил жорий этишни таклиф қилмоқдалар.

Раислик қилувчи нотиқларни бир неча бор парламент одобига риоя қилишга чақирди. Ҳис-туйғулар баъзан тошиб кетди, ҳукуматни айблайдиган гаплар ҳам айтилди, депутатлардан бирининг назарида ҳукумат парламент аъзоларининг барча тузатишларига қарши чиқмоқда. 60-моддага қирғизистонлик депутат таклиф қилган тузатишни муҳокама қилиш чоғида эҳтиросларнинг авжига чиқди, депутат баланд тоғ яйловларида, саҳроларда ва сувсиз районларда ишлайдиган чўпонларни кўп йил хизмат қилганлиги учун пенсия ҳуқуқига эга бўлган ходимлар рўйхатига киритишни таклиф қилган эди.

Худди шу эпизодда айрим депутатлардаги вужудга келадиган барча муаммоларни фақат Иттифоқ даражасида ҳал этиш тенденцияси кўзгудагидек акс этди. Ҳозир эса, бизнингча, масалани бошқача қўйиш керак. Чунки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, солиқлар тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши кўпгина масалаларни, шу жумладан жойлардаги пенсия билан боғлиқ масалаларни ҳал этишни анча енгиллаштирди. Бинобарин, кўпгина нотиқлар ҳақли равишда таъкидлаганларидек, ҳал этилган масала устида бош қотирмаслик керак. Фақат бунисини ўзимиз ҳал қилишимиз мумкин, бу масалани эса Иттифоқ миқёсида ҳал қилишимиз керак, деб аниқ фарқлай билиш зарур.

Овоз бериш чоғида киритган тузатишлари ўтмаган депутатларнинг ачинишларини тушуниш мумкин. Мамлакатдаги ҳар бир гражданнинг манфаатларига бевосита дахлдор бу Қонуннинг баҳоси жуда қиммат. Мунозарадаги қизиқ-қонликнинг ҳам, қаттиқ гапларнинг ҳам, бошқа камчиликларнинг ҳам сабаби шу бўлса керак. Парламент гоҳ-гоҳда ўтиб кетган даврга қайтгандек бўлди. У ёки бу жиҳатларни қайтадан кўриб чиқишга қатъий даъватлар бир эмас, бир неча бор эшитилди. Масалан, бортпроводник бўлиб ишлайдиган аёллар (эркаклар тилга олингани йўқ) учун пенсия тайинлаш ёшини ҳисоблашга тааллуқли банд ҳусусида худди шундай бўлди. Чунки янги Қонун лойиҳасида ҳукумат стюардессалар ва стюардлар имтиёзини кучайтирмайдиган, балки бу имтиёзни камайтирадиган ёзувни таклиф қилган эди. Эҳтиросларнинг авж олиб кетгач, шу вақтда раислик қилаётган И. Д. Лаптев навбатдаги — 64-моддага ўтишни таклиф қилди, бундан олдинги келишмовчиликларни манфаатдор томонлар танаффус вақтида муҳокама қилишини тавсия этди.

Кечқурунги мажлисда бевосита озиқ-овқат етиштириш билан банд бўлган қишлоқ механизаторларининг пенсияга чиқиш шартлари хусусидаги мунозаралар яна бошланди. Яна янгидан овозга қўйилди, палаталар бўйича овоз бериш натижалари ўзаро келишилган позицияни ишлаб чиқишни зарурат қилиб қўйди. Стюардессалар тўғрисидаги масала эса уларнинг фойдасига ҳал бўлди.

Раислик қилувчи ибораси билан айтганда СССРдаги гражданларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг бутун матни овозга қўйиб бўлинди. Яна бир неча моддаларни пухталаштириш зарурлиги муносабати билан Қонунни узил-кесил қабул қилиш тағин кечиктирилди.

Миллатлар Совети кунниг охирида «СССР Президенти шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди, бу Қонун шанба куни Иттифоқ Совети томонидан маъқулланган эди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Гражданларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетига корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР қонунининг бажарилишини таъминлаш топширилди.

СССР Мудофаа министрлигининг қарори билан 1990 йил баҳорги чақириқни ўтказиш чоғида Ўзбекистон ССРдан жанговар қисмларга чақириш наряди кўпайтирилганлиги эътиборга олинди. СССР Мудофаа министрлигининг ҳарбий қурилиш отрядларига чақириш учун наряд шунга мувофиқ камайтирилди. Республикадан чақирилган ҳарбий қурувчилар хизматни Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округида ўтказадилар.

Ўзбекистон ССРдан чақирилган жангчилар қаерда жойлашишганидан қатъий назар ҳарбий-қурилиш отрядларида хизматни ўташ шартлари билан танишиш учун махсус комиссиялар тузишга ва бу комиссиялар таркибига халқ депутатларини ва жамоат ташкилотларининг вакилларини жалб этишга Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг алоҳида эътибори қаратилди. Комиссиялар иш натижаларига қараб, зарур деб топилганда, мазкур ҳарбий қисмларда республикадан чақирилган жангчилар ўз хизматларини бундан буён бажаришлари мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига таклифлар киритадилар. Республика Министрлар Совети халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига ҳарбий комиссариатлар ва соғлиқни сақлаш идоралари билан биргаликда чақириқ комиссиялари аъзоларини сифатли танлашни топширди. Шу комиссиялар таркибига СССР, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари киритилади.

Чақириқ комиссиялари, деб таъкидланади қарорда, чақирилувчиларнинг малакали тиббий кўрикдан ўтказилишига ҳамда қонунга мувофиқ чақириқни кечиктириш тўғрисидаги қоидаларга қатъий риоя этилишига алоҳида эътибор беришлари керак.

Қарорда чақириқ (тўпланиш) манзилларида чақирилувчилар, уларнинг қариндошлари учун нормал маиший шароит яратиш зарурлиги таъкидланади. Корхоналар ва жамоат ташкилотлари билан келишиб, армияга чақирилганлар тушган ҳарбий эшелонларни кузатиб бориш учун уларнинг вакиллари жалб этилади.

Ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатилган ҳарбий хизматчиларни ишга қабул қилиш чоғида мумкин қадар кўпроқ эътибор ва ғамхўрлик қилиниши, уларнинг армияга чақирилгунга қадар эгаллаган ихтисосларини ва армиядаги хизмат даврида олган ихтисосларини ҳисобга олиб, ишга жойлаштириш чоралари кўрилиши керак.

ҚАРОРГА ШАРҲ

Республика Министрлар Совети куни кеча қабул қилган муҳим қарор билан танишдингиз.

Шу баҳор кунлари ватан олдидаги ўз бурчини шараф билан бажарган минглаб йигитлар, ўғилларимиз ва укаларимиз уйга қайтмоқдалар. Улар ҳарбий хизмат даврида жисмоний чиниқдилар, билим, тажриба орттирдилар, кўплари ихтисос олдилар, энг яхшилари партияга қабул қилиндилар.

Совет идоралари, корхоналар, ташкилотларнинг, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, ота-оналар уларни ишга жойлаштиришга, улардан армияда олган ихтисосига мувофиқ фойдаланишга эътибор билан қарашлари, уларга қулай уй-жой шароитини яратиб беришлари, ўқув юртларига киришларига кўмаклашишлари жуда муҳимдир.

Кечаги жангчиларнинг навқиронлик ғайрати, уларнинг тажриба ва билими корхоналардаги, муассасалардаги ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилашда, маънавий-руҳий вазиятни соғломлаштиришда меҳнат жамоаларига сезиларли ёрдам беради, оилага хотиржамлик ва фаровонлик келтиради, деб умид қилса бўлади.

Баҳорда ҳақиқий муддатли хизматга навбатдаги чақириқ ҳам бошланди. Бу чақириқ бутун мамлакат учун ҳам, республика учун ҳам мураккаб даврда ўтмоқда. Армияга қарши кайфият кучайиб бориши муносабати билан мамлакатимиз қуролли ҳимояланишга муҳтожми? — деган савол тобора ўткир қилиб қўйилмоқда. Бу саволнинг жавоби фақат битта — ҳа, муҳтож. Ватаннинг тақдири учун масъул бўлган инсон ва ватанпарвар ўз олдига ҳеч қачон бундай саволни қўйган эмас, ҳозир ҳам қўймайди.

Гап бошқа ёқда: шу хизматнинг шароитлари қандай, ота-оналар армияга кетган ўз ўғиллари учун хотиржам бўла оладиларми?

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, афсуски, армияда ҳозирча ҳарбий хизматчиларга шароит яратиш хусусида бир талай муаммолар бор, бир қанча бўлинмаларда ҳарбий интизом бўшашиб кетган. Жангчиларнинг ҳаёти ва турмушидаги мавжуд салбий жиҳатлар «оқсоқоллик», ҳарбий хизматчиларни таҳқирлаш, уларнинг ҳалок бўлиши фактлари аҳоли орасида кескинликни, армияга қарши кайфиятларни келтириб чиқармоқда. Республика давлат идораларига, жамоат ташкилотларига, оммавий ахборот воситаларига ҳарбий хизматни ўташни ташкил этишдаги катта камчиликлар ҳақида тез-тез хатлар келиб турибди.

Ўзбекистон ССР президенти, республика Олий Совети ва ҳукумати, халқ депутатлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари Ўзбекистондан армияга, айниқса қурилиш қисмларига йигитларнинг чақирилиши билан боғлиқ бўлган масалаларни мамлакат президенти, СССР Олий Совети ва Министрлар Совети олдига, СССР Олий Советининг доимий комитетлари олдига бир неча бор қўйдилар. Республикамиздан армияга бораётган чақирилувчилар ҳозирча рус тилини яхши билмасликлари, жисмоний тайёргарлиги етарли эмаслиги масалалари ҳам бор.

СССР мудофаа министри шу йилнинг кўкламида Туркистон ҳарбий округидаги ҳарбий қурилиш отрядларига чақириш наряди кўпайтирилишини ўз буйруғида белгилаб берди.

Йигитларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш муносабати билан катта тайёргарлик иши ўтказилиши лозим.

Совет идораларига, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарларига «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР қонунининг бажарилишини таъминлаш, чақирилувчиларнинг чақириқ манзилларига ўз вақтида етиб келишида ҳарбий комиссариатларга ёрдам бериш топширилган. Чақириқ вақтида уларга етарли техник ходимлар ва транспорт ажратилиши лозим.

Гражданлар соғлиқни сақлаш идораларига кўп таъна қилмоқдалар, бу идоралар чақирилувчиларни малакали медицина кўригидан ўтказишни таъминламаяптилар, қисмларга соғлиғида нуқсони бўлган йигитларни юбориш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Шу муносабат билан соғлиқни сақлаш идоралари раҳбарларининг армияга соғлом йигитларнинг чақирилиши учун масъулияти ошмоқда.

Айрим корхона, ташкилот, муассаса, ўқув юртларининг раҳбарлари ҳарбий комиссариатлар билан биргаликда чақирилувчиларни меҳнат жамоалари, ота-оналар, уруш ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи жангчиларнинг наказлари билан тантанали равишда кузатиб қолишни ҳамиша ҳам уюштираётганлари йўқ. Республикадан чақирилган жангчилар хизмат қилаётган ҳарбий қисмлар билан оталиқ алоқалари ўрнатилмаяпти ва давом эттирилмаяпти. Қарорда шу ишни тубдан яхшилаш кўзда тутилган, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари корхоналар ва жамоат ташкилотлари билан келишиб, чақирилувчилар тушган ҳарбий эшелонларга хизмат жойигача ҳамроҳ бўлиб бориш учун ўз вакилларини жалб қилишлари мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Жангчиларнинг ҳарбий қурилиш отрядларидаги хизмат шароитлари билан танишиш учун халқ депутатлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида махсус комиссиялар тузилади.

Ички ишлар, савдо-сотиқ идораларининг раҳбарлари олдига чақириқ ва йиғилиш манзилларида, чақирилувчиларни жўнатиш жойларида юксак интизом ва тартиб ўрнатилишини таъминлаш, бу жойларда буфетлар, чойхоналар, ошхоналарнинг ишини, энг зарур буюмлар билан савдо қилишни ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Йигитларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириши уюшқоқлик билан ўтказиш — республикадаги барча совет идоралари ва жамоат ташкилотларининг масъулиятли вазифасидир.

ҒЎЗАПОЯДАН СЕНАЖ

Ғўзапоя ёнидан чиққан ва у билан бирга ўриб олинган кузги жавардан «Партия XXII съезди» совхозида сенаж бостирилади. Хўжалик ем-хашак тайёрловчилари уни йиғиштириб ола бошладилар.

— Бизга худди шунақа сенаж керак, — деди совхоз директори Тўра Ғуломов. — У тўйимлироқ, микроэлементларга бойроқ бўлиб, яхши сақланади.

Бу ҳозирча Қашқадарё областидаги дастлабки тажриба. Лекин мутахассисларнинг фикрича, бундай технологиянинг истиқболи бор. Ахир ғўзапоя деҳқонларга қанча ташвиш келтириши маълум. Ҳозир ундан қишлоқда фақат ёқилғи сифатида фойдаланилмоқда. Агар хўжаликда газ ўтказилган бўлсачи? Балки, ҳар қалай уни даланинг ўзидаёқ жавдар билан бирга янчиб олган яхшидир?

(ЎзТАГ).

ОШКОРАЛИК, ТАНҚИД РУҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек обком ва райком аппаратлари тузилишини қайтадан кўриб чиқиш тўғрисида ҳам гап-сўзлар бўлди. Аппарат сиёсий раҳбарият органи эканлигини эътироф этиш фурсати етди, шунинг учун у кенг фикрловчи, ишонтириш қобилиятига эга кишиларни танлаши керак. Ҳозир эса янгича шароитларда ишлай олмайдиган ва бунга тайёр бўлмаган, эски анъаналарга маҳкам ёпишиб олган партиявий йўл-йўриқчилар орамизда мавжуд. Раҳбарликнинг буйруқбозликзўрлик усулларидан қутулолмаган Урганч район партия комитетининг иши тилга олинди. Турғунлик даврига хос бўлган кўрсатма бериш, тазйиқ ўтказишларга чек қўйиш вақти келди.

Кадрлар барқарорлиги билан боғлиқ аҳвол ҳам кўнгилдагидек эмас. Уларнинг алмашинуви тўхтовсиз ўсмоқда ва йилига 50 фоиздан ошяпти. Бу борада Янгиариқ райони «биринчи» ўринда. Кадрлар қўнимсизлиги нимага олиб келгани ҳаммага маълум. Бу — асабий муҳит, ишончсизлик, раҳбарларнинг енгил-елпи кайфиятда бўлишлари натижаси. Энг ёмони, улар ўзларига нисбатан адолатли муносабатга ишончи йўқотадилар. Обком, кўпгина райкомлар кадрлар фаолияти устидан мунтазам назорат ўрнатмадилар. Қўшкўпир, Боғот, Янгиариқ район партия комитетларида синаб кўрилган раҳбар-коммунистларнинг ҳисоботларини эшитиш номигагина бўлгани учун партия ташкилотлари ҳаётида сезиларли из қолдирмади. Областда бултур партиявий жазо олган КПСС аъзолари сони 1988 йилга қараганда 10 фоиз кўпайиб, жами 207 тага етганининг сабабларидан бири шу бўлса ажаб эмас. Ҳазорасп район партия комитети раҳбар-коммунистлар хатти-ҳаракатларини бошланғич ташкилотларни четлаб муҳокама қилишдек қораланган усулни давом эттирмоқда. Бундан буён бундай ёндашувга қатъиян барҳам бериш керак. Бу даставвал обком бюро аъзоси, ташкилий-партиявий ва кадрлар бўлими мудири В. Н. Демченковга боғлиқ, бироқ у гоҳо келишувчилик йўлини тутмоқда.

Областда 90 га яқин миллат ва элат вакиллари яшаб меҳнат қилмоқдалар. Конференцияда тўғри таъкидланганидек, улар иқтисодиётни ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришдан иборат умум манфаати йўлида ғайрат билан ишламоқдалар. Лекин ҳозирги пайтда жуда муҳим ҳисобланган миллатлараро дўстликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда сусткашликка, бўшашувчанликка йўл қўйилмаслиги лозим. Шу боисдан область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич ташкилотлар ҳаётда синалган усулларни қўлланиб, турли миллат одамлари аҳил яшашлари учун барча ишни қилишлари зарур. Маърузада ва унинг муҳокамаси юзасидан бўлган нутқларда таъкидланганидек, обком миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масаласи доимо партия ташкилотлари диққат марказида туришига эришиш учун интилаверади.

Мафкуравий ишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида куюнчаклик билан гапирилди. Агар партия комитетларининг мафкура комиссиялари, раҳбар кадрлар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари фаоллик кўрсатишганида нуқсонларнинг кўпчилигидан қутулиш мумкин эди. Аммо бундай қилинмади.

Ўтган йилларда ишда ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам бўлди. Ҳисобот маърузаси муҳокамасида сўзга чиққан Боғот районидаги И. Дўстов номли колхоз партия комитетининг котиби К. Отажонов, 296-МПМК бригадири А. Отажонов, Қўшкўпир районидаги Калинин номли колхоз аъзоси, СССР халқ депутати М. Абдалова, «Туямуюнгидрострой» қурилиш бошқармаси бошлиғи Р. Жуманазаров, Огаҳий номидаги Хоразм область драма ва комедия театри актёри М. Бобожонов, Урганч шаҳар партия комитетининг биринчи секретари К. Саидов, 2-бройлер фабрикаси паррандабоқари А. Қурбонова, Шовот районидаги Киров номли колхоз пахтачилик бригадири Ж. Маҳмудов, Хива шаҳридаги 20-болалар уйининг директори В. Пак, В. И. Ленин номидаги Урганч тикувчилик фабрикаси мастери М. Полвонова, Хива гилам ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Б. Турдиалиев, касаба уюшмалари область кенгаши раиси О. Юсупова, уруш ва меҳнат ветеранлари область кенгаши раиси А. Худойберганова қилинган ишга, партия ташкилоти фаолиятининг у ёки бу соҳасига ўз фикрларини билдирдилар.

— Паррандачилик хўжалигимиз жамоаси 1989 йилда 2131 тонна гўшт, салкам 70 миллион дона тухум етиштирди, — деди товуқбоқар А. Қурбонова. — Бу режадаги топшириқдан анча зиёд. Фақат шу рақамлардан қувонамиз, холос. Тез-тез қайғуриб туришимизга, бонг уришимизга тўғри келади. Гап шундаки, бизнинг корхона ва 1-паррандачилик фабрикаси барча маҳсулотларини реализация қилолмайди. Айниқса ёз ойларида омборларда миллионлаб дона тухум йиғилиб қолади. Область ташкилотларига мурожаатларимиз беҳуда, бунинг устига фабрикаларга ўз маҳсулотларини Хоразмдан четга чиқаришга рухсат беришмайди. Натижада улар исроф бўлмоқда. Конференция ҳисобот маърузасида келтирилган ушбу ташвишли қиёслашга нима дейиш мумкин: область аҳолиси ҳисобига гўшт етиштириш Иттифоқ кўрсаткичига нисбатан - уч баравар, тухум— икки ҳисса кам!..

М. Хоразмий номли совхоз директори Ш. Юсуповнинг фикрича, хўжаликнинг Чолиш посёлкасида ўтказилган обком ва райком кунлари, очиқ хатлар кунлари сезиларли амалий самара берди. Ишчилар партия раҳбарларининг аҳоли билан бевосита мулоқотларини, хўжалик ва ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ҳамкорликларини ҳар томонлама маъқулламоқдалар. Кўпчилиги ёшлардан иборат икки юздан зиёд ишсизни иш билан таъминлашда ҳам ёрдам кўрсатилади деб умид билдирилмоқда. Совхоз ҳудудидаги узумни қайта ишлаш пунктини унинг ихтиёрига бериш ва хўжалик базасида совхоз-завод ёки агрофирма ташкил қилиш пайти келди. Афсуски, бу таклиф на область партия комитети, на халқ депутатлари область Совети томонидан қўллаб-қувватланмади.

Барча нотиқларнинг нутқлари кескин, долзарб ва амалий тусда бўлди, дейиш тўғри эмас, албатта. Баъзилари ўзўзига ҳисоб бериш, хўжалик ва маъмурий масалалар маълумоти, у ёки бу камчиликни бартараф этиш учун ёрдам сўраш, бирон илтимосни қондириш руҳида эди. Ҳеч кимга тегмайдиган ноаниқ танқидлар ҳам эшитилди. Бироқ булар йиғиннинг ишчанлик руҳига таъсир ўтказа олмади. Конференция шуни кўрсатдики, ўтган йилларда тўпланган тажриба область тўғри йўлдан бошлаб борилаётганлигига ишонч ҳосил қилишга имкон беради. У Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ва КПСС XXVIII съездига тайёргарликнинг муҳим воқеаси бўлди дейиш мумкин.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов қатнашди ва нутқ сўзлади. Шунингдек унда Ўзбекистон ССР Олий Совети раисининг ўринбосари Д. Д. Бугров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, партия ва совет органларининг бошқа масъул ходимлари, жумҳуриятнинг бир қанча министрликлари ва идоралари раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Қабул қилинган қарорларда бажарилган ишларга ва яқин орада амалга оширилажак масалаларга ҳаққоний баҳо берилди. Улар иқтисодий ва сиёсий реалликларга тўла мувофиқ келади, областда қайта қуришни янада чуқурлаштиришга, туб ўзгаришлар қилишга йўналтирилган. Область партия ташкилоти ўз зиммасига юксак масъулият олди.

Конференция делегати, шовотлик қурувчи Йўлдош Қурёзов таассуротлари билан ўртоқлашди.

— Кўпгина янги, қувонарли, умидбахш гапларни эшитдим, — деди у. — Эндиликда ҳаммамиз учун энг муҳими муаммоларни орқага сурмасдан, балки ҳал этишга интилишдир. Областнинг ҳозирги аҳволини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қатор камчиликларга йўл қўйилди, тиббий хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши талабга жавоб бермайди. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдаги кескинлик сақланиб қолмоқда. Жиноятчилик кўпаймоқда. Биз, ишчилар иқтисодиётни мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳаларни юксалтириш учун куч-ғайратни аямаймиз.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съездига делегатлар сайланди.

* * *

Янги сайланган область партия комитетининг ташкилий пленуми бўлди. Унда Р. М. Худойберганова яна область партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

Ҳ. РАҲМОНОВ,
И. АҲМЕТОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

СПИТАКДА УЙ ҚАНЧА ТУРАДИ?

Янги Спитакнинг меъморий қиёфаси ватман қоғозда эмас, балки конкрет территорияда кўзга ташлана бошлади. Бу ерда бир-икки оилага мўлжалланган 26 та икки қаватли коттеж қурилди. Бу уйларни қурган Ўзбекистонлик қурувчилар ҳозирнинг ўзидаёқ уч минг квадрат метр турар жойни фойдаланишга топширдилар. Ўнлаб оилалар коммуникацияларнинг уланишини кутиб ўтирмай, ўз уйларига кўчиб ўтдилар.

Ўзбекистондан келган қурувчилар бўлажак шаҳарда май ойининг охиригача яна шунча уйни қуриб битказадилар. Бироқ янги уйларга кўчиб кирган дастлабки оилаларнинг қувончи ва некбинлигини ишчилар унчалик асосли, деб ҳисоблашмаяпти.

— Анча кўпроқ ишни амалга ошириш мумкин эди, — дейди «Узспитакстрой» бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари А. Веревкин. — Бироқ регионда вужудга келган беқарор вазият бизнинг режаларимизга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Йўллар тўсиб қўйилганлиги туфайли материаллар мунтазам етказиб берилмаётганлиги ўтган йили ҳам, ҳозир ҳам ишларимизни тўхтатиб қўйди. Ишлаб чиқариш базасини бунёд этишни тугаллай олмай, биз бу йилги планларни қайта кўриб чиқишга ва уларни 110 минг квадрат метр уй-жойдан 32 минг квадрат метргача камайтиришга мажбур бўлдик, ҳозир ҳатто шу режа ҳам барбод бўлиш хавфи остида турибди.

Маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланишга ҳар қанча уринмайлик, нафи бўлмади. Уларнинг ё сифати тўғри келмайди, ёки ўзи етишмайди. Ўз ишимиз билан шуғулланиш ўрнига биз доим ўзгариб турадиган вазиятга мослашишга, одамларни иш билан қандай таъминлашни ҳал этишга мажбур бўлаяпмиз. Ҳозир қурилишда тўрт мингдан кўпроқ одам ишласа бўларди, вужудга келган вазиятда эса фақат минг киши ишлаяпти. Юкларимиз темирйўл орқали мунтазам етказиб берилишининг иложи бўлмаётгани туфайли биз ёрдам сўраб, бир неча бор авиаторларга мурожаат қилдик. Ташиган нарсамиз эса шағал, қум, арматура. Шундай рейснинг ҳар бири 30 минг сўмга тушади. Шу пулга икки қаватли коттеж қуриш мумкин.

Йўлларнинг тўсиб қўйилиши вайрон бўлган Арманистонгагина эмас, шу билан бирга унга ёрдам кўлини узатган барча республикаларга зарар келтираяпти. Бу ердаги асоссиз қўшимча харажатлар бошқа регионлардаги кишилар фаровонлигига салбий таъсир қилаяпти. Чунки бу маблағлар республика бюджетларидан ажратилади. Самолётларда қум, шағал, арматура ташишнинг ўзи исрофгарчиликдир. Албатта, Ўзбекистонлик қурувчилар бу жабрдийда заминда яна болалар кулгуси жаранглаши ва ҳар бир уйга оддий инсоний қувонч кириб келиши учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни бажаришга ҳаракат қилаяптилар. Спитак вайроналарини ҳар куни кўрамиз. Токи, шу вайроналар ўрнида янги даҳалар пайдо бўлмас экан, биз бу ердан кетмаймиз.

А. ШАХБАЗЯН,
ТАСС мухбири.

ҲОЖАТБАРОР КАСБ ЭГАЛАРИ

Тонг ёриша бошлади. Район алоқа уйига —ишга одатдагидек даставвал телеграфчилар ташриф буюришди. Зарур асбобларни ҳозирлаб, қабул қилувчи аппаратларни бир сидра кўздан кечиришди.

— Туни билан эллиқта табрик телеграммаси келибди, — деди Саломат Ижбулдина ёнида ингичка қоғоз ленталарни кўраётган Гулчеҳра Назарова.

— Шошилинчларини бера қолинг, — деди у. — Дарҳол расмийлаштириб, хат ташувчиларга топширсак, эгаларига етиши тезлашади...

Уларнинг иш кунлари шундай бошланади. Уззу-кун ўнлаб хабарларни қабул қилиб жўнатишади. Касблари масъулиятли, ҳушёрликни, хушмуомалаликни талаб этади.

— Опа, Владивостокка эртага етадиган қилиб телеграмма бериш мумкинми?

— Адбатта.

— Унда шуни жўнатсангиз. Армиядаги акамнинг туғилган куни эди...

— Менга ҳам шунақаси керак, — деди кексароқ киши. — Калининградда қуролдош дўстим бор. Меҳмонга чақираяпман. Мана манзилгоҳи, ўзинг ёзиб қўя қол...

Бўз район алоқа бўлими ходимлари ҳар куни кўплаб кишиларнинг узоғини яқин қилиб, ҳожатларини чиқаришмоқда. Бу ерда ўз касбининг усталари талайгина. Валентина Арабова қирқ йилдан бери ишламоқда. Сайёра Мирҳайдарова, Саломат Ижбулдина, Данута Ҳамроқулова кабилар ҳам ҳалол меҳнатлари билан ҳурмат-эътибор қозонишган.

— Алоқачиларимиз ишидан биронта ҳам норозилик хати ёки шикоят олганимиз йўқ,— дейди алоқа бўлими бошлиғи Жуманбой Мирҳайдаров. — Белгиланган режалар ўз вақтида бажарилмоқда. Жорий йилда аҳолига 15 минг сўмлик хизмат кўрсатишга бел боғлашган. Ўз байрамларини ёруғ юз билан кутиб олмоқдалар.

Улар ҳозиргача 4,5 минг ўрнига 6 мингта телеграмма қабул қилиб, 5 минг ўрнига 7 мингта хабар жўнатдилар. Топшириқ ошириб уддаланаётгани алоқачилар самарали ишлаётганидан далолат.

Ш. ҲОШИМОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

НАЖИБУЛЛОНИНГ АЙТГАНЛАРИ

КОБУЛ. (ТАСС). Афғонистон Президенти Нажибулло собиқ подшоҳ Зоҳиршоҳнинг Афғонистонда тинчликни қарор топтириш йўлларини излашда иштирок этишга тайёрлиги тўғрисидаги сўнгги баёнотини ижобий баҳолади ва уни бу йўналишда амалий ишлар қилишга даъват этди.

Президент маҳаллий журналистлар ҳузурида сўзга чиқиб, деб хабар беради Бахтар агентлиги, афғон халқи жароҳатларига малҳам бўлиш учун баёнотлар ва матбуотда чиқишларнинг ўзи камлик қилишини таъкидлади. Замон тинчликка интилаётган барча партиялар, гуруҳлар, жамоат ва сиёсат арбобларининг бир жойда тўпланиб, ватаннинг эндиги тақдирини ҳал этишларини талаб қилмоқда. Шу кучлардан бирортаси, шу жумладан Афғонистон ҳукумати Афғонистон муаммосини ҳал этишда зўравонлик йўлини танлайдиган бўлса, урушни давом эттирганлик учун бутун жавобгарлик унинг зиммасига тушади.

БИРДАМЛИК ФЕСТИВАЛИ

БАҒДОД. (ТАСС). Бу ерда Ироқ билан бирдамлик халқаро фестивали бўлди. Ироқ билан дўстлик алоқалари ўрнатган 42 жамият вакиллари, турли мамлакатларнинг икки юз нафардан зиёд жамоат ва сиёсат арбоблари фестивалда қатнашиш учун келдилар. Улар Яқин Шарқни оммавий қирғин қуролидан ҳоли зонага айлантиришни таклиф этган Ироқ билан бирдамлик изҳор қилдилар. Фестиваль қатнашчилари бу ташаббус регион халқлари манфаатларига жавоб беришини, Ироқнинг мустаҳкам тинчлик ўрнатишга ва хавфсизликка интилаётганлигини тасдиқлаши тўғрисида гапирдилар.

Фестивалнинг совет қатнашчилари орасида Осиё ва Африка халқлари билан бирдамлик Ўзбекистон комитети раисининг ўринбосари, Тошкент дорилфунунининг профессори Г. А. Ҳидоятов, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари бўлимининг мудири Ш. А. Ваҳобов бор эдилар. Совет делегациясини Ироқ—Совет дўстлиги жамиятида қабул қилдилар, у ерда меҳмонлар июль ойида Тошкент шаҳрида бўладиган Ироқ кунларига тайёргарликнинг бориши тўғрисида гапириб бердилар.

Г. А. Ҳидоятов ТАСС мухбири билан суҳбатда Ўзбекистон ва Ироқ ўртасида қадим-қадимдан маданий алоқалар мавжуд бўлганини айтди. Ўзбек халқи Ироқ халқига меҳр туйғулари билан қарайди, унинг ютуқларини кузатиб боради. Ҳозир Ўзбекистон олий ўқув юртларида Ироқдан келган кўплаб аспирантлар ва талабалар таълим олмоқда. Яхши билим олган бу ёшлар Ироқ саноати ва фанида муваффақиятли ишламоқдалар. Биз СССР билан Ироқ ўртасидаги дўстона муносабатлар тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, иккала давлат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади, деган чуқур ишонч туйғулари билан Ироқдан қайтиб кетаяпмиз, деди Г. А. Ҳидоятов.

ПОЛЬШАДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ВАРШАВА. (ТАСС). Польша Министрлар Советининг раиси Т. Мазовецкий Краковга сафари чоғда гапириб, турли доираларнинг Польшада танглик ва можароларнинг кучайишига олиб келиши мумкин бўлган тоқатсизлик ва қасоскорлик муҳитини келтириб чиқаришга уринишларига қарши фикр билдирди. У сайловолди митингда қатнашди, ишчилар ва зиёлилар билан учрашди, диний маросимларда ҳозир бўлди. Мамлакат аҳолисига хавфсизлик ва тинчлик керак, деди у. Ҳукумат бошлиғи Польшада муайян даражада «адолат етишмаётганлиги»ни таъкидлаб, йўл қўйилган хатоларни тезроқ тузатиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш зарурлигини айтди. Бу иш амалга оширилаётганида, деди у, ҳуқуқий давлат принциплари бузилишига йўл қўймаслик керак. Польшани тинимсиз ўч олишларга ундашга, одамларнинг бутун-бутун гуруҳларини жар ёқасига олиб келишга бўлаётган уринишларга қаршилик кўрсатиш зарур. Т. Мазовецкий сиёсий турмуш маданиятини ривожлантириш муҳимлигини ҳам таъкидлади.

ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМАДИ

БУДАПЕШТ. (ТАСС). Венгрия парламентининг ташқи ишлар комиссияси эркин демократик уюшмасининг давлат мажлисида Венгриянинг Варшава Шартномасидан чиқиши мумкинлиги тўғрисидаги масалани зудлик билан муҳокама қилишга доир ташаббусини қўллаб-қувватламаслик тўғрисида қарор қабул қилди. Комиссия аъзолари ўз қарорини Венгрия Варшава Шартномаси ташкилотига аъзолиги туфайли кўпгина ташқи иқтисодий, халқаро-ҳуқуқий ва иқтисодий алоқаларга эга эканлиги ҳамда ўзаро муносабатларнинг бу қадар мураккаб занжири янада батафсилроқ таҳлилни талаб этиши билан изоҳладилар.

Шу муносабат билан ташқи ишлар комиссияси Венгриянинг Варшава Шартномаси ташкилотига аъзолиги тўғрисидаги масала парламентнинг ташқи ишлар, мудофаа масалалари, шунингдек конституцион ҳамда суд-ҳуқуқ комиссияларида ўрганилиши керак, деб ҳисоблайди.

Депутатлар мамлакат давлат мажлисининг навбатдаги сессиясида ушбу ташаббусни муҳокама этиш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилишлари керак.

Саравак — Жануби-шарқий Осиёда жойлашган Малайзия давлатининг штатларидан бири. Аҳолиси 23 миллатга мансуб. Штат ҳукумати уларнинг маданий анъаналарини сақлаб қолиш, одамларни ер ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Натижада илгари асосан кўчманчиликда ҳаёт кечирган аҳоли муқим яшашга ўрганиб, севимли ишлар билан шуғулланмоқда.

СУРАТДА: қишлоқда шакар дарахтидан шундай маҳсулот олинади.

М. ЦИГАНОВ олган сурат. (ТАСС).

Осмонимиз мусаффо бўлсин

ОҚ ЙЎЛ, «ТАБИАТ»!

Ҳозир биз нафас олаётган ҳаводаги саломатлик учун зарарли бўлган газларнинг 60 фоизини автотранспорт воситалари чиқаради. Экологик жиҳатдан буни офат, дейиш мумкин. Айниқса, катта шаҳарларда бу офатга қарши изчил кураш олиб боришнинг вақти келди. Агар у кенг кўламда авж олдирилмаса, заҳарли газлар хуружи тобора фожиали тус олаверади.

Бухоро вилоятида ана шу экологик офатга қарши курашда хайрли ишга қўл урилди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш жамияти қошида автотранспорт воситаларини текшириб, улардан чиқадиган зарарли газларни меъёрига солиб бериш билан шуғулланадиган «Табиат» деб номланган хўжалик ҳисобидаги бирлашма ташкил этилди. Бу жумҳуриятда биринчидир.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш жамияти раисининг ўринбосари Олимжон Ҳасанов биз билан суҳбатда шундай деди:

— Бизнинг вилоятимизда экологик аҳвол ғоятда ташвишли. Саховатли еримиз захланиб, тарихий обидаларимиз нураб бораётгани етмаганидек, мусаффо осмонимизни ғубор қоплаяпти. Автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газ Бухоро осмонида хосиятсиз булутдек тарқамай туриши кескин ва таъсирчан чоралар кўришимизни тақозо этди. Биз бутун имкониятни ишга солиб, иложи борича ҳавога зарарли газ чиқишини камайтириш имконини берадиган «Табиат» бирлашмасини ташкил этдик. Унга табиат жонкуяри Ҳабибжон Жўраев раҳбарлик қилаяпти. Яхшиси, мана ўзлари гапириб бера қолсин.

Мен ёнимда ўтирган қотма, кўринишидан куюнчак ва сергайрат йигитга мурожаат қилдим:

— Ишни нимадан бошладингизлар?

— Аввало, қўлидан иш келадиган мутахассислар керак эди. Шунинг учун иккита ҳамфикр дўстимни ишга таклиф қилдим —улар рози бўлишди. Баҳритдин Жумаев, Марат Исҳоқов ва мен биргалашиб иш бошладик, — деди Ҳабибжон Жўраев, — Вилоят табиатни қўриқлаш жамияти бизга 20 минг сўм ажратди. Шунинг бир қисмига автомашиналардан чиқадиган газнинг миқдорини ва заҳарлилик даражасини аниқлайдиган иккита асбоб сотиб олдик. Жамият ҳисобида турган эски иккита ЕрАЗ автомашинасини ўзимиз созладик. Уларни кўчма лаборатория қилиб жиҳозладик. Иш бошлашдан олдин босмахонада махсус талон тайёрлатдик. Бу талон текширишдан ўтган автомашинанинг экологик тозалигини билдиради.

— Демак, сизлар текшириб сўнг талон берасизлар-а?

— Шундай.

— Қайси ташкилот билан бирга текширасизлар?

— Бу ишни давлат автоинспекцияси ҳамда вилоят табиатни муҳофаза қилиш комитети ходимлари билан биргаликда амалга оширамиз, — жавоб қилди бирлашма бошлиғи. — Албатта, автомашинани текшириш, ундаги носозликни аниқлаб созлаш, газ чиқарадиган жойини ростлаш билан шуғулланамиз. Бажарган ишимизга ҳақ оламиз. Хўжалик ҳисобида ишлашимиз шуни тақозо этади. Биз бажарилган ишнинг кўламига қараб бир сўмдан ўн икки сўмгача ҳақ оламиз.

«Ҳайдовчилар, шахсий машиналарнинг эгалари бу янгиликни қандай кутиб олишди?» деган саволимизга Ҳабибжон Жўраев шундай деди:

— Дастлаб яхши кутиб олишмади. Яна бир юлгич ташкилот пайдо бўлибди-да, деб ўйлашди. Бу янгиликнинг моҳиятини кейинчалик англаб етишди.

Гап шундаки, биз ростлаб берган автомашина бензинни кам сарфлайди, ҳавога зарарли газни жуда кам миқдорда чиқаради.

— Ҳам табиатга, ҳам ҳайдовчига фойдали денг?

— Шундай. Мана энди «машинамни текшириб, кўриб беринглар» деб ҳайдовчиларнинг ўзлари келишаяпти.

— Бир ойда ўртача қанча даромад тушаяпти?

— Ҳозирча икки-уч минг сўм атрофида. Иш ҳажмининг ошишига қараб даромад ортиб бораяпти. Биз имкониятимизга кўра экологик постларни кўпайтираяпмиз. Айни пайтда Ғиждувон ва Когонни, Свердлов районларини вилоят маркази билан боғлайдиган йўлларда шундай постлар ишлаб турибди. Бухоро шаҳрининг ичидаги автомашиналар кўп тўпланадиган жойларда назорат масканлари ташкил этилди.

Бирлашма хўжалик ҳисобида ишлаётганлиги туфайли олинган даромаднинг бир қисми қарзга тўланса, бир қисми кўрсатилаётган хизматни кенгайтиришга сарфланаяпти. Текшириш уч ойда бир марта ўтказилади. Табиатни муҳофаза қилиш жамиятига аъзо бўлган ҳайдовчилар ўз автомашиналарини бир йилда бир марта бепул текширишдан ўтказадилар.

— Албатта, давлат автоинспекцияси ходимларининг ёрдамисиз «Табиат» кооперативи ишини жонлантириб бўлмайди, — деди Олимжон Ҳасанов. — Дастлаб ишни йўлга қўйишимизда бизга Свердлов ноҳияси ички ишлар бўлими автостанцияси ходимлари яқиндан ёрдам беришди. Ҳозир иккита ўлчов асбобимиз бор. Қанийди, яна ўнта асбоб бўлса. Бундан буён автокорхоналар билан шартнома тузиб, ишни планли ташкил этамиз. Бу ишда биз шаҳар ва ноҳия Советлари ижроия комитетлари, ички ишлар бўлимлари, вилоятда экологик аҳволнинг яхшиланишини истаган барча корхона, муассаса ва ташкилотлар жамоаларининг ёрдамларига умид боғлаймиз.

— Сизларнинг тажрибангиз автотранспорт кўп Тошкентга ўхшаган шаҳарларга жудаям асқотса керак?

— Шундай! Яқинда Пенза вилоятидан келишиб тажрибамизни ўрганишиб, ҳужжатларимиздан нусха олиб кетишди. Сурхондарёлик ҳамкасбларимиз ҳам ўзларида ташкил қилиш ниятида ишимизни сўраб-суриштиришаяпти. Биз уларни тажриба ўрганишга таклиф қилдик. Лекин Тошкентдан келишмади.

Бизнингча, бухоролик табиат жонкуярларининг хайрли ишлари таҳсинга сазовор. Уларнинг тажрибаларини жумҳуриятимиздаги барча вилоятларда қўллаш фойдадан холи эмас. Жойлардаги табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, маҳаллий совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари бу ишга бош-қош бўлишлари лозим.

И. НОРМАТОВ.

ҚИТЪАЛАР БЎЙЛАБ

ДАМАШҚ. Босиб олинган территорияларда Исроил қўшинлари билан бўлган тўқнашувлар чоғида юздан зиёд фаластинлик ярадор бўлди. Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Рамаллах ва Тулкарим шаҳарларидаги тўқнашувлар айниқса шафқатсиз бўлди. Фаластин ёшлари бу жойларда босқинчиларнинг армия соқчиларига бир неча бор ҳужум қилиб, уларга қарата ёндирувчи модда солинган шишалар ва тошлар отишди, Рамаллаҳда бир нечта ҳарбий машина ёқиб юборилди. Калкиляда қотиллар ёшлар уюштирган Исроилга қарши намойиш иштирокчиларини ўққа тутдилар. Ўн тўрт ёшли Сами Абу Шайх иккита ўқ тегиб яраланди ва оғир аҳволда госпиталга олиб келинди, яна бир неча киши, баъзилари оғир ва баъзилари енгил яраланди. Шу намойишдан кейин босқинчи маъмурлар шаҳар мактабларини ёпиш тўғрисида буйруқ беришди.

●

ДЕҲЛИ. Афғонистон қўллаб-қувватлаётган сикх ажрамачилари Лудхиянадан Фирозпурга кетаётган пассажир поездини издан чиқариб юборишга уриндилар, деб хабар қилди ПТИ агентлиги. Яхшики, улар қўйиб кетган бомба состав ўтиб бўлганидан кейин портлади.

Хавфсизлик кучлари ўтган кеча-кундузда ўтказган операциялар чоғида штатда беш нафар террорчи ўлдирилди ва яна шунчаси ихтиёрий тарзда маъмурларга таслим бўлди. Панжобнинг турли районларида 14 нафар экстремист қамоққа олинди, улардан анчагина миқдорда қурол-ярог ва ўқдори тортиб олинди.

Жамму ва Кашмир штатида тинч аҳолидан уч киши, шу жумладан бир аёл ажрамачиларнинг қурбони бўлди. Хавфсизлик кучлари Покистон территориясидан Кашмир водийсига ўтишга уринаётган икки жангарини отиб ташлади. Полиция 15 кишини штатда ҳаракат қилаётган террорчи гуруҳларга алоқадорликда гумонсираб қамоққа олди.

Айни пайтда, ЮНИ агентлигининг разведка манбаларига таянган хабар қилишича, Покистон 10 май куни Ҳиндистон чегарасига яқин жойдаги Чамба секторига танклар ва турли ҳарбий анжомларни олиб келиб жойлаштирган. Бу стратегик жиҳатдан муҳим райондаги олдинги марраларни, деб таъкидлайди агентлик, ҳануз Покистон армиясининг сараланган кучлари эгаллаб турибди.

●

ИСЛОМОБОД. Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги тўртинчи уруш Кашмир хусусидаги баҳсни ҳал қилмайди, балки бир-бирларига бўлган душманлик ва муросасизлик кайфиятини кучайтиради холос, деб таъкидланади Покистоннинг Лаҳор шаҳридаги 50 нафар сиёсат ва жамоат арбобининг қўшма баёнотида. Ҳар икки томон, деб уқтирилади ҳужжатда, ақл-идрок билан иш тутиши ва кескинликни янада кучайтиришдан ўзини тийиши, муаммони сиёсий ҳал этиш йўлидан бориши лозим. Мамлакат парламентининг таниқли аъзолари, машҳур ҳуқуқшунослар, журналистлар, инсон ҳуқуқлари учун ҳаракатнинг фаоллари икки давлат ҳукуматларига мурожаат қилиб, янги қуролли можарога йўл қўймаслик учун қўлдан келган барча ишларни қилишга даъват этдилар. «Покистон билан Ҳиндистон Кашмир туфайли бир-бирлари билан уч марта урушганлар, лекин бу урушларнинг ҳеч бири муаммонинг ҳал этилишига олиб келмади. Тўртинчи уруш бу муаммони ҳал этишга ёрдам беришидан умид қилиш қийин», — деб таъкидланади баёнотда.

(ТАСС).

СССР халқ артисти Аббос БАКИРОВ таваллудининг 80 йиллигига

УСТОЗ

Ҳар киши ҳаётдан олмаса таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим!
Абу Абдулло РУДАКИЙ.

Миллионлаб томошабинларнинг севимли актёри, юзлаб спектакллар режиссёри, ҳисобсиз роллар ижрочиси, кўплаб шогирдлар устози Аббос Бакиров саҳна мактабини кўрмаган. Мавлоно Рудакий айтганларидек, «ҳаёт мактаби»дан таълим олган. Шу боис бўлса керак, театрда у кишини ҳамма устоз деб атар, бу ном худди узукка кўз қўйгандек ярашар эди.

Аббос Бакиров гўзал ва хушманзара, олиму фозиллар макони, булбуллар ошиёни Андижон шаҳрида 1910 йили 16 май куни муқаддас оиласида дунёга келди. Отаси ўз замонасининг илмли кишиларидан бўлиб, айни пайтда яхшигина табиб ҳам эди, турли-туман гиёҳлардан дори-дармонлар тайёрларди. Ҳар нарсага қизиқувчи Аббосхон кундузлари отасига ёрдам берар, кечалари у кишидан сабоқ оларди. Шунинг учун ҳам тез орада савод чиқарди. Аммо отасининг тоғтани рўзғорга етмагани учун 15 — 16 ёшли Аббосхон Пиён бозоридаги қурилиш базасига ишчи бўлиб кирди.

1919 йилнинг кеч кузида андижонлик катта бойнинг ўғли Абдуваҳоб Азимов бир гуруҳ санъат ихлосмандлари илтимоси билан Қўқон шаҳрига, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий олдига бориб, маҳаллий ёшлардан труппа тузмоқ ниятида эканини айтиб, у кишини Андижонга олиб келди. Шу тариқа маҳаллий ҳаваскорлардан «Умид» труппаси тузилди. Бунинг негизида театр ташкил топиб, кейинчалик унга Охунбобоев номи берилди.

Ёш Аббосхондаги интилишни кўрган устозлар унга қунт билан санъат сирларини ўргата бошладилар. Аввалига кичик, кўп ўтмай, «Ҳаёт» пьесасидаги Қосим роли топширилди. Буни муваффақият билан ижро этган Аббосхонга катта ва муҳим роллар ишониладиган бўлди. Натижада 1931 — 1940 йиллар орасида З. Саид ва Н. Сафаровнинг «Тарих тилга кирди» асарида (Бадрий Афанди), К. Яшиннинг «Номус ва муҳаббат»ида (Ғуломжон), «Тор-мор»да Аҳмад понсод, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи»сида (Ғофир), «Холисхон»да (Умрзоқбой), Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин»ида (Хусрав), И. Султоннинг «Бургутнинг парвози»да (Фрунзе), Н. Гоголнинг «Ревизор»ида (Ҳоким), К. Симоновнинг «Рус масаласи»да (Смит) ва ниҳоят гултож драматург В. Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта»сида (Ромео) каби бир қатор образлар галереясини яратди.

Андижон театрининг ижодий коллективи 1939 йили Тошкентга гастролга келди. Унинг спектакллари партия ва ҳукуматимиз арбоблари, мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Натижада «Бой ила хизматчи» спектаклидаги Ғофур — Аббос Бакиров, бой — Абдуваҳоб Азимов, Хонзода — Ҳадича Аминова, Холмат — Сойиб Хўжаевга Ўзбекистон ССР халқ артисти фахрий унвони берилди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Аббос Бакиров биринчи ўзбек овозли киноси «Азамат» фильмидаги бош ролга таклиф қилинди. Картина экранга чиқиши билан устоз номи бутун иттифоқимиз бўйлаб таралди. Натижада «Мосфильм» студиясида яратилган «Амирликнинг емирилиши» фильмида Амир Олимхон ролини ўйнади. Шундан сўнг «Мафтунинг-ман», «Ибн Сино», «Абдулла Набиев», «Икки дил достони», «Ленин йўлланмаси билан», «Осиё устида бўрон», «Ўтган кунлар» каби бир неча фильмларда иштирок этиб, миллионлар қалбидан ўрин олди. «Ўтган кунлар»даги Юсуфбек ҳожи роли учун Ҳамза номли республика давлат мукофоти лауреати бўлди. 1970 йили ўзбек совет театр ва киносанъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари театр актёрлари орасида биринчи бўлиб СССР халқ артисти деган буюк номга мушарраф бўлди.

Устоз 1940 йилдан то умрининг охиригача Андижон театрида мураббийлик қилди. У томошабинлар олқишига сазовор бўлган К. Яшиннинг «Тор-мор», «Нурхон», «Гулсара», «Офтобхон», «Равшан ва Зулхумор», Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Холисхон», «Майсаранинг иши», С. Абдулланинг «Тоҳир ва Зуҳра», «Муқимий», «Алпомиш», Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», «Аяжонларим», Ҳ. Раззоқовнинг «Нодира» ва шунга ўхшаш асарларни саҳналаштирдики, бу спектакллар театр тарихидан муносиб ўрин эгаллади. Айниқса музикали драмаларни шундай қойил қилиб қўярдики, бу борада ҳеч қайси режиссёр устозга тенг кела олмас эди. Асарни саҳнага қўйиш олдидан бастакор ва мусаввир билан яқиндан алоқада бўлар, роль тақсимотини ўта синчковлик билан ўтказарди. Репетициягача ижодкорларга ҳар бир ролнинг ипидан игнасигача тушунтирарди, ашула, ария ва хорлар билан тайёрланиб, кейин саҳна репетициясига ўтарди.

«1953 йил эди, — деб эслаганди устоз, — «Амирликни емирилиши» фильмидаги амир Олимхон ролига синов сурат топшириш учун чақирув қоғози келди. Мен студияга борганимда 7—8 киши айнан шу роль учун синовдан ўтган экан. Гримёр шошилмай грим қилиб, амир либосларини кийинтириб, В. Басов олдига олиб кирди. Шунда Басов 1—2 минут тикилиб туриб, «Да, эта настоящий эмир» деб қолди. Шу тариқа Бухоро шаҳрида суратга олиш бошланди. Кунларнинг бирида иш ниҳоятда қизғин кетаётган пайт тушликка чиқадиган бўлдик. Актёрлар учун овқат тайёрлайдиган томошанга бориш учун бироз юришимиз керак. Мени грим қилиш ва кийинтиришга кетадиган вақтни қизғангандан режиссёр «Майли, ечинма извош билан бориб келақол» деди. Шунда мен извошда савлат тўкиб кетаётсам амирдан жафо кўрган бухороликлар «Бо худо, амиримиз яна қайтиб келибди», деб қочиб қолишди.

Аббос Бакировнинг ўз устозларига нисбатан, ўзбек киносининг юлдузи Асад Исматов, театр ташкилотчилари Абдувоҳид Азимов, Бек Баҳодировларга нисбатан ҳурмат ва эҳтироми юксак эди. Айниқса Асад Исматовни ҳар бир қадамида гапирар, бундай буюк санъаткор дунёга қайтиб келмайди, деб юрарди, ўзи ҳам нимаси биландир у кишига ўхшаб кетар эди.

У. Исмоилийнинг «Рустам» драмаси энг қизғин кетаётган кунларнинг бирида шу ролни ижро этувчи Асад Исматов тўсатдан бетоб бўлиб қолади, спектаклга билетлар сотилган, қолдиришнинг иложи йўқ. Шунда Аббос Бакиров вазиятдан қутқара олишини айтади. Спектакль олдидан томошабинларга Рустам ролини ижро этиши эълон қилинади. Спектаклдан сўнг Асад Исматов уни бағрига босиб, «Аббос, бу роль энди бир умрга сеники бўлди», деб эркалайди.

Устознинг ажойиб одати бор эди. Эрталабдан кечгача театрда иш билан банд эди. Ҳар бир нарсага қизиқувчан бўлганлиги туфайли ҳеч бир соҳа у кишининг назаридан четда қолмас эди.

Гоҳ қарасанг қўлида теша ва арра билан уста Парпининг дурадгорчилик цехида, гоҳо уста Шоҳобнинг цехида ёки рассом В. И. Лигай хонасида мунозара қилаётганининг устидан чиқардик. Устоз 35 йил театр ижодий коллективига мураббийлик қилди. Бу йилларда шу санъат кошонасидан Ўзбекистон халқ артистлари М. Юнусов, К. Охунов, Н. Муротов, Ж. Раҳимова, Х. Аминова, А. Иброҳимов, М. Ҳабибов каби етук санъаткорлар етишиб чиқди.

Театрда бўладиган йиғилишларда устоз деярли сўзга чиқмас, мажбур қилиб сўз бериб қолишса, жуда лўнда ва қисқа гапирар, ўз ўрнида йиғилишда кўп гапирган одамларни ёмон кўрарди. Коллектив орасида тўй маросимлари бўлиб қолса, ҳеч қолдирмасдан борар, даврани қиздириш мақсадида биринчи бўлиб рақсга тушар эди. Гавдаси катта бўлишига қарамай «Тановар», «Муножот» рақсларига шундай мулойим ўйнар эдики, гўё оққуш сўзаётгандек бўлар эди. Даврани яна қиздириш мақсадида театримизда нечта раққоса бўлса ҳаммасини бир-бир тақлид қилиб берарди.

Ёдимда, 1963 йилнинг ёз фаслида Андижон театри ижодий коллективи Арслонбобга саёҳат қилди. Шаҳримизда меҳмон бўлиб турган К. Яшин ҳамда машҳур бастакор Комилжон Жабборов ҳам бизга ҳамроҳ бўлишди. Кун бўйи Арслонбобнинг сўлим боғлари, зилол сувлари, ям-яшил ўрмонлари-ю қорли тоғ чўққиларини томоша қилиб, оқшом тушганда давра суҳбатига йиғилдик, Ғуломжон Ҳожиқуловнинг юракни эзувчи лирик куйлари, Маърифат Убайдуллаеванинг ёқимли қўшиқлари, Малоҳатхон Исҳоқованинг жозибали рақсларидан сўнг Яшин домла Америка ва Ҳиндистонга қилган сафар таассуротларини ҳамда у ердаги одамларнинг турмуш шароитини гапириб берди.

Суҳбат мавзуи Бобурийлар авлодига келганда А. Бакировнинг кўзлари чақнаб кетди-да, Бобур Мирзонинг Андижондан қандай қувилгани, Самарқандга сиғмагани, Афғонистонни олиб, Ҳиндистонга подшоҳ бўлганидан тортиб, фарзандлари Хумоюн, Гулбадан, набиралари Акбаршоҳ, чевараси Шоҳ Жаҳондан тортиб, эвараси Авранзебгача ҳикоя қилиб берди. Суҳбат якунида Яшин домла «Тасанно Аббосхон, тасанно! Сиз Бобурийлар тарихини яхши билар экансиз» деб қойил қолди. Дарҳақиқат, Аббос ака Навоий, Умархон, Нодира, Увайсий, Машраб, Бедил ва Ҳофизлар тарихини яхши билар эди. Шу боисдан бўлса керак, «Нодира» музикали драмаси ҳар томонлама мукаммал, етук асар бўлиб театримиз тарихида юксак ўринга эга бўлди.

Устоз 65 йил умр кўрган бўлса, унинг кўпини дўстлари орасида ўтказди. Дўстликни бениҳоя улуғловчи Аббос аканинг Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурхонов каби дўстлари бор эди. Аброр Ҳидоятов билан дўстлик занжирини авлодларга ҳам қолдириш мақсадида набирасининг исмини Аброр қўйиб, ўз фамилиясига олган. Ҳозир Аброр Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тамомлаб, оппоқ дадаси умр бўйи ижод қилган театримизда ишламоқда. Ажаб эмаски, устознинг орзулари амалга ошиб келажакда катта санъаткор бўлиб етишса. Номлари зикр этилганлардан ташқари Озарбайжондан машҳур паҳлавон Эльбурс, Ўшдан домла Махжурий, Салоҳитдин Қори, Избоскан районининг Тўртқўл қишлоғидан Алиполвон, Ўсарполвон, шаҳримиздан Ҳожиматбозорқўм Солижон оқсоқол, Нуъмонжон Сандиқчи, Абдурайим Ямоқ (партизан), Садир самоварчи, Шукурхон, Улфат, Амониллахон Валиҳонов ва бошқа бир қанча дўстлари бўлиб, улар билан фахрланиб юрарди. Айниқса Салоҳитдин Қори, домла Маҳжурий, Амониллахон ва домла Улфатларни навоийшунослар, деб мақтар эди. Устоз яхшигина оила бошлиғи бўлиб, қизлари Ойдинхон шифокор, ўғиллари Нусратбек Андижон чет тиллар институтининг катта ўқитувчиси, севимли қизи Барчиной «Ўзбекфильм» студиясининг етук актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати. Рафиқаси Ўзбекистон халқ артисткаси Қамара Бурнашова ҳозиргача устоз ишини давом эттириб келмоқда. Шаҳар марказидаги энг катта кинотеатрлардан бирига у кишининг табаррук номи берилган. Шунингдек таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан театрда алоҳида зал ажратилиб, музей ташкил қилинди.

З. АҲМАДАЛИЕВ.

ҚУДРАТ—ДЎСТЛИКДА

Яқинда Пешку районидаги «Ўзбекистон» колхозининг Малишояк қишлоғида бўлиб ўтган дўстлик кечасида шу ерда истиқомат этувчи турли миллат ва элатларнинг вакиллари қатнашдилар. Улар ўз миллий таомлари тортилган дастурхон атрофида ўтириб, хурсандчилик қилишди.

Даврада ўзбек, тожик, татар, турк озарбайжон ва арман халқларининг вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва тотув яшаётганликларидан мамнунликларини билдирдилар. Айниқса, Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, меҳнат ветерани Н. Магамедовнинг дўстликка, ўзаро ҳамжиҳатликка даъват этувчи сўзлари кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Шу қишлоқлик Абдулла Бадиров, София Аҳмадрусланов, Исмоил Иброҳимов, бригада бошлиғи Икром Ҳайдаров, Озода Жумаева сўзга чиқиб, ўзбек диёрида яшаётган барча миллатлар оға-ини, қондош-жондош, бир-бирларининг яхши-ёмон кунларига шерик, ҳамдам эканликлари, улар орасига ҳеч қандай куч раҳна сололмаслигини таъкидладилар.

Феруза Бадирова билан Феруза Пўлатованинг жозибали рақслари, 9-синф ўқувчиси Саида Қўзиеванинг дилрабо қўшиқлари давра қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Колхоз хотин-қизлар кенгаши раиси Гулнора Жумаева кечанинг фаол иштирокчиларига правление ва касаба уюшмаси комитетининг эсдалик совғаларини топширди.

Д. РАҲМОНОВА.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

БЕЗОРИ ҚУШ

Американинг Финикс шаҳрида қизиқ воқеа рўй берди. Машиналарнинг дамини ким чиқарганини аниқламоқчи бўлган полиция ва автомобиль эгаларининг тинка-мадори қуриди. Бир куни улар жанг манг бўлиб туриб қолдилар: тумшуғида машиналар дамини чиқараётган тўтиқуш улар изларидан безори экан.

БИР КИШИ ҚУРГАН

Францияннинг Вирвиньи деган шаҳарчасида кўҳна черков бор. Бу бино шу жиҳати билан машҳурки, уни бир киши, аббат Поль Мкутр қурган. У ибодатхонани барпо этишга ҳаётининг қирқ уч йилини бағишлаган.

ЖИМ ЎТИРИШ ХОНАСИ

Эзма йўловчилар кўп гапириб, бошқаларнинг жонига тегаётганлиги тўғрисида Дания темир йўллар бошқармасига шикоятлар тушди. Маъмурлар поездларда тажриба тариқасида «жим ўтириш купелари» ташкил этиб, бу қандай натижа беришини синаб кўришга қарор қилдилар. Ларда гаплашиш тақиқланди. Бунга риоя қилмаганларга жарима солинадиган бўлди. Одатга кўра бундай купеларга сотиладиган билетлар нархи анча юқори.

ОДОБИНГ—ЗИЙНАТИНГ

● Ёмон сўзга тилинг ўргатма,
Бу билан ўзлигинг кўрсатма.

● Дерлар-ку: етти бор ўлчаб, сўнгра кес,
Унутма, қиличдан ўткир ёмон сўз.

● Эрк берма тил, сўзингга,
Умр тила ўзингга.

● Яхшиликнинг таги яхши,
Умрингга умр қўшар гашти.

● Создир ўзгага бермоқ салом,
Бу ҳам келтиради яхши ном.

● Бўлсин десанг, юзинг қордек тоза, оқ,
Тўғри тур, тўғри юр, бўлма «суюқ оёқ».

● Иши қутли бўлмас кимда уқув йўқ,
Уқувсизнинг ишида унум йўқ.

● Кимки қиғир босса, шудир оқибат—
Кўпдан эшитади тавқи лаънат.

● Яхшига эргашсанг, ютарсан,
Ёмонга ёндашсанг, қон ютарсан.

● Мард каби юр-тур, мард сўзла.

● Ҳақ сўз одамни ўлимдан қутқазар,
Ҳақ сўзламаган оқибат ютқазар.

● Виждонни айласа ўзига ҳакам,
Ҳар ерда ҳар қачон ютади одам.

ЗУЛФИҚОР.

ТОШКЕНТ «БУЛБУЛИ» ВЕНГРИЯГА БОРАДИ

Ўтказилаётган турли кўриклар ва фестиваллар Ўзбекистон пойтахтида кучли вокал мактаби шаклланаётганидан далолат бермоқда. Куйбишевда ўтган ва бутун Совет Иттифоқидан келган етакчи опера қўшиқчиларини тўплаган Бутунриттифоқ саралаш кўриги ҳам Навоий номли театр яккахон хонандаси Муяссар Раззоқовани энг яхши қўшиқчилардан, деб топди. Тошкентлик қўшиқчи саралаш кўригининг барча босқичларидан муваффақият билан ўтди ва Венгрияда бўладиган вокалчилар халқаро конкурсига йўлланма олди. — Бу республика маданий турмушидаги катта ютуқ ва йирик воқеадир, — дейди Ўзбекистон маданият министрлигининг бўлим бошлиғи С. Содиқов. — Муяссарнинг ўзи учун эса бу — унинг ижодида забт этилган янги чўққидир. Ўтган йили Ригада бўлган М. Глинка номли вокалчилар Бутунриттифоқ конкурсини эслаш кифоя. Раззоқова бу конкурсдан муваффақият билан ўтган эди. Ўша кўрикда барча иттифоқдош республикалардан келган 150 дан зиёд вокалчи иштирок этганди. Тўққиз нафар тошкентликдан олти яккахон хонанда, шу жумладан Муяссар финалга чиқди. Ҳозир эса у ўзининг беш нафар юртдошҳамкасбидан ўзиб кетди. Венгрияда ҳам унга омад кулиб боқади, деб умид қиламиз.

Қизлар қўшиқ куйласа,
Дил қулоққа айланур.
Мумдай эриб, сув бўлиб,
Сўнг булоққа айланур.
Севги-муҳаббат сири
Оққуш бўлиб учади.
Бахтга ташна дилларни
Завқ-шавқ билан қучади...

Ҳамид Олимжон номидаги Қарши давлат педагогика институти қошида талабалардан ташкил этилган «Ибо» ансамбли қизлари қўлларига соз олиб куйлаганларида илиқ туйғуларга ғарқ бўласиз. Коллективнинг иш бошлаганидан бўён ўтган икки йил ичида ҳаваскорлар 20 дан зиёд фақат ўзбек қўшиқларидан иборат ўз репертуарларини мухлисларга маъқул қила олдилар.

СУРАТДА: (чапдан) ансамбль қизлари Светлана Галимова, Шаҳноза Муқимова ва Инобат Бобоқулова ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Ж. БОБОРАҲМАТ олган сурат.

Муҳаррир ўринбосари Н. ЁҚУБОВ.

СПОРТ ахборот

ОҒИР АТЛЕТИКА

Даниянинг Ольборг шаҳрида Европа биринчилиги бошланди. Дастлабки икки вазндаги олтин медаллар болгариялик спортчиларга тегди. 52 килограммгача вазнда ғалаба қозонди. Албаниялик Луан Шабани кумуш, польшалик Марек Горзеняк бронза медали билан тақдирланди. Бу икки вазнда мамлакатимиз вакиллари иштирок этмадилар.

ВЕЛОПОЙГА

Чехословакиянинг Йиглава ва Слюсович шаҳарларида бўйлаб ўтказилган Тинчлик велопойгасининг олтинчи босқичида голландиялик Робер Вин ғолиб чиқди. У 206 километрли масофани 5 соат 12 минут 48 секундда босиб ўтди. Италиялик Массимо Штраццер ва Роберто Маджони иккинчи, учинчи натижаларни кўрсатдилар. Совет спортчилари лоақал кучли ўнликка ҳам кира олмадилар.

Жаҳон чемпиони, Сеул олимпиадаси ғолиби Севдамин Маринов бу сафар ҳам ўзини кўрсатиб 56 килограммгача вазнда ғалаба қозонди. Албаниялик Луан Шабани кумуш, польшалик Марек Горзеняк бронза медали билан тақдирланди. Бу икки вазнда мамлакатимиз вакиллари иштирок этмадилар.

ФУТБОЛ

Ўтган сешанба куни биринчи лигада ягона учрашув бўлиб ўтди. «Пахтакор» Олмаотада маҳаллий «Қайрат» командасининг меҳмони бўлди. Таъкидлаш жоизки, тошкентликлар мазкур матчни кўтаринки руҳда ўтказдилар. Биринчи бўлим ўрталарида пахтакорчи Шквирин ҳисобни очди. Танаффусдан сўнг майдон эгалари мағлубиятдан қутулиш учун кетма-кет ҳужумлар уюштирдилар. Лекин футболчиларимиз ҳимояда бехато ўйин кўрсатиб, имконият бўлди дегунча қайта ҳужумга ўтиб турдилар. Ана шундай вазиятларда Шквирин яна икки маротаба ўзини кўрсатиши мумкин эди. Аммо тўпурар ҳужумчимизнинг омади келмай қолди. Қизиқарли ўтган матч 1:0 ҳисобида «Пахтакор» фойдасига ҳал бўлди. Бу тошкентликларнинг сафардаги илк ғалабасидир.

ТЕННИС

Сочида ўсмирлар ўртасида халқаро мусобақа ўтказилди. Унда ҳамюртимиз Олег Огородов жумҳуриятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Моҳир теннисчимиз илк босқичда ужгородлик Александр Гулянични маглубиятга (6:4, 5:7, 6:4) учратди. Кейин эса сочилик Евгений Кафельниковдан устун келди — 6:3, 7:6. Финалда киевлик Андрей Медведев билан куч синашган вакилимиз биринчи бўлимда ғалаба қозонди — 7:5. Лекин кейинги икки бўлимда имкониятни бой бериб қўйди. Пировардида Медведев халқаро мусобақа ғолиби бўлди. Олег Огородов кумуш медални қўлга киритди.

КУРАШ

Бағдод райони марказида фарғонача усул бўйича ўтказилган жумҳуриятининг биринчилиги якунланди. Шахсий ҳисобда андижонлик А. Тожибоев, У. Ҳолмирзаев, Н. Жалолов, М. Маматалиев, пойтахт шаҳрилик Б. Маҳмудов, Х. Маматкаримов, Э. Ҳақназаров, Т. Баҳромов, И. Тамтурдиев, наманганлик Н. Ғозиев ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилишди.

Команда ҳисобида Андижон вилояти полвонлари ғалаба қозондилар. Тошкентликлар иккинчи, фарғоналиклар учинчи ўринни эгаллашди.

Барча учрашувларда соф ғалабага эришган Холдор Маматкаримов, Эркин Ҳақназаров ва Нурмат Жалолов мусобақанинг энг яхши полвонлари деб тан олиндилар.

Ойнаи жаҳонда

18 МАЙ, ЖУМА

● УзТВ I

11.30 Уқув кўрсатуви: Табиатшунослик. Ҳайвонот ва ўсимликлар олами.
12.00 «Хўжасизлик». Телефильм.
12.30 Уқув кўрсатуви. Физика ва илмий-техника тараққиёти.
13.00 «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 Уқув кўрсатуви: Эстетика асослари.
18.10 «Филлар...» Мультфильм.
18.25 Марғилон шаҳар Пионерлар уйи «Шодиёна» ансамблининг концерти.
19.00 «Санъатим — саодатим». Уста Маҳмуд Усмонов.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Томорқа ерларидан унумли фойдаланайлик».
20.15 Катталар учун мультфильм. «Қароқчилар ва созандалар».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Халқ ижодиёти». Лапарлар.
21.45 «Одобнома».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Катта кўчадан оркестр билан». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.05 Бадиий гимнастика. Ўзбекистон чемпионати ва спартакиадаси. Репортаж (рус тилида).
18.45 «Уйғун оҳанглар». Фильм-концерт.
19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Эътиқод». Тошкент вилоятида ҳунар-техника таълими ҳақида.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Қирғоқ». Бадиий фильм, субтитр билан. 2-серия (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 Мультфильмлар: «Ромка, Фомка ва Артос» (1—3-фильмлар).
8.30 «Қувноқ стартлар».
9.15 Денгиз пиёдалари Президент оркестрининг концерти (АҚШ).
10.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.00 Йил фасллари. Май.
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Болалар учун фильм. «Темур ва унинг командаси». 2-серия.
16.20 «Агар сизга...».
17.05 «Нима нимага ўхшайди?». Мультфильм.
17.10 ТВ — экскурсия. «Малая Никитская, 6» (А. М. Горький музейи).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Шеърият лаҳзалари.
18.35 «Эҳ, Россия, сен Россия...». Ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм — «Ҳокимият ва халқ», 2-фильм — «Ижодкор ва ҳокимият» (Свердловск киностудияси).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Долзарб интервью.
21.15 Брейн ринг. «Нима? Қаерда? Қачон?».
21.50 Кусковода рус мусиқаси телевизион фестивали. 5-кўрсатув.
22.20 «Нигоҳ».
23.50 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Уқув программаси

8.15 «Киносаёҳатчилар альманахи».
8.35, 9.35 Тарих. 5-синф. Москва — Рус давлатининг пойтахти.
9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Тарих. 8-синф. XVII аср рус маданияти.
11.05 «Саркарда». А. В. Суворов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Ленинград).

*

12.05 «Петербурглик чиновник». Бадиий фильм («Мосфильм»).
13.05 Тинчлик велопойгаси. Польшадан кўрсатилади.

* * *

16.30 Қўшиқ инсон билан қолади. «Номсиз тепаликда».
17.20 «Эчкича». Мультфильм.
17.30 Тинчлик велопойгаси. Польшадан кўрсатилади.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Совга».

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ,ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р — 03232. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1192. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12